

HURRIYAT

1996-yil dekabr dan
chiqa boshlagan

MUSTAQIL GAZETA

№ 43
(1105)
2018,
17-OKTYABR
chorshanba
hurriyat.uz

Давлат тили:
туғилиш азоби

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист Олим ТОШБОВЕВ:

Халқ барча яхшиликлар ва эвуқликлар рамига айланб улгурган тил кибфасида зурликни, озоликни, эрк ва ўзликни кўрар, шу сабабли унинг бутун бўлишидан, давлатта айлаишидан жуда-жуда умидвор эди.



5 → “Мақсадимиз — муаммоларни таҳлилий ўрганиш”

100 минг нусхада чоп этилиб, текин тарқатиладиган газета бош муҳаррири билан суҳбат

6 → ТАРОЗИ

Ҳисобчи гангиб қолди. “Саккиз марта? Демак, бир юз олти кило! Э, тавба, мен шунча ёзсам, ўзи юздан ошириб терса. Ҳаммаси қанча бўп кетади? Унинг устига, кеча бир юз йигирма кило терган қиз бутун бирдан уч юздан ошириб юборса. Ким ишонади бунга?”

7 → Гдланинг миллионлари: афсонами, ҳақиқат?

Ўзбекистонда олиб борилган тергов ишлари давомида Гдланга оид материаллар бўйича қимматбаҳо буюмларнинг эгалари сифатида юздан ортиқ киши қонунга хилоф равишда ушлаб турилган ва қамоқда сақланган.



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Болалар дунёсида яшаётган адиб

Таниқли ёзувчи Худойберди Тўхтабоев билан муҳбиримиз суҳбати.

“У бой вилоятга камбағал бўлиб келди, камбағал вилоятдан бой бўлиб кетди”

Коррупция, яъни “жамиятни ичдан бузиш”, “пора эвазига ўзига оғдириш” тарихи инсоният ўтмиши каби кўҳнадири.

Синов ичидаги синовлар

Тест синови деганда давлат тест маркази томонидан абитуриентларни олий ўқув юрталарига талабалikka қабул қилиш учун ўтказиладиган имтиҳон кўз олдимизга келади. Аслида ҳам шундайми?

Марказий Осиё ёшлари форуми

Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида Марказий Осиё мамлакатлари ёшлари “Дўстлик” форуми бўлиб ўтди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
ЎзА муҳбири

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган тадбирнинг очилишида Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Боболов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси ўринбосари Д.Собиржонова ва бошқалар мамлакатимиз қўшни давлатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янги бос-

қичда ривожлантираётгани, Президентимиз ташаббуси билан ўтказиладиган мазкур форум ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Нуфузли тадбир Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикасининг 400 дан зиёд истеъодли ёшларини бирлаштириб, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, минтақада мавжуд муаммолар ечимини бирга-

ликда излашга ундагани ҳам бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳеч қандам кам бўлмаётгани, истеъдод ва салоҳиятини кенг намойиш этиши, бизнес билан шуғулланиши ва инновацион гояларни ҳаётга татбиқ этиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида бешта янги олий таълим муассасаси ташкил этилди. Утган йили Термиз туманида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази иш-

бошлади. Бундан икки-уч йил аввал Термиз давлат университетида 50 га яқин йўналишда кадрлар тайёрланган бўлса, жорий йилда ёшлар 89 йўналиш бўйича касб сирларини пухта ўрганаётди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида 130 га яқин афғон ўғил-қизлари ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича олий маълумотли ўқитувчи ҳамда темир йўл транспорти мутахассислиги касбларини эгалламоқда.

— Бундай йирик форумда биринчи марта қатнашмоқдан, —

дейди афғонистонлик С.Башаш. — Бизнинг тилимиз, динимиз, диллимиз, илдизимиз бир. Энг муҳими, мақсадларимиз муштарак. Шу боис тадбир барчамиз учун жуда фойдали бўлишига ишонаман. Келажақда мазкур форумни Афғонистонда ҳам ўтказишни истаймиз. Биз, афғон ёшларига мана шундай кенг имкониятлар яратиб берган Ўзбекистон давлатига миннатдорлик билдираемиз. Тадбир доирасида вилоятдаги миллий маданий марказларнинг халқ амалий санъати ва хунармандчилик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.

» Қарор ва ижро

Дунё кафтимиздаги кўзгуга айланди. Яъни, ахборот асри самараси ўларок, дунёни кафтдек кўзгуга орқали кўриш ва англаш мумкин. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал тараққиёти бунга замин яратди. Бу глобал жараёнда Ўзбекистон ҳам илдам қадам ташламоқда.

Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ:

Сайлов жараёнини бошқаришнинг электрон тизими жорий этилади

Норгул АБДУРАИМОВА
ЎзА муҳбири

Электрон сайлов тизимини яратиш орқали сайловларнинг шаффоқлигини таъминлаш бўйича ҳам амалий ишларга киришилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 октябрдаги “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунинг яққол далилидир.

ЎзА муҳбири мазкур қарор аҳамияти ва ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ билан суҳбатлашди.

— Замонавий технологиялардан мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий салоҳиятини ошириш, эл-юртимиз кадриялари ва ютуқларини жаҳон ҳамжамиятига танитиш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўли-



да самарали фойдаланилмоқда, — дейди М.Абдусаломов. — Президентимизнинг давлатчилигимизда улкан ўзгариш ясаган тарихий нуқти — 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...2019 йилда ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга ҳозирдан киришиш керак.

БИЗ ОБУНА БЎЛДИК! СИЗ-ЧИ?



Камолитдин Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институтининг тил ва адабиёт кафедраси доценти Фазилат ҚОДИРОВА.

Сарвар МАМБЕТОВ фотоси

“HURRIYAT”

газетасига 2019 йил учун обуна давом этмоқда.
Обуна барча алоқа бўлимларида расмийлаштирилади.
Газетамизга таҳририятимизда ҳам беосита обуна бўлишингиз мумкин.
Мурожаат учун телефон: (71) 244-32-88
Нашр индекси: 233

» Уюшма фаолиятидан

Мамлакатимизда халқ фаровонлигини янада юксалтириш борасида изчил ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. Буни, айниқса, қишлоқ аҳолисига муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган доимий эътибор мисолида яққол кўриш мумкин.

Обод манзиллар: бунёдкорлик таҳлили ва такомили

Жобир ХЎЖАКУЛОВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида» ва “Обод маҳалла” дастури тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган қарорлари бу борада муҳим омил бўлаётди.

Жорий йилнинг 1 апрелдан ҳар бир туман ва шаҳарда, аввало, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда 2018 йилда икитадан ва келгуси йилларда учтадан қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини босқичма-босқич тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъмин-

лаш, мазкур қишлоқларнинг қиёфасини замонавийлаштириш ва қишлоқ аҳли учун иш ўринлари яратишга қаратилган “Обод-қишлоқ” дастури ижросига киришилди.

Дастур доирасида шу йил бир юз етмишдан ортиқ тумандаги 368 маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларини комплекс ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш, шунингдек, 127 минг 143 уй-жойни реконструкция қилиш кўзда тутилган.



► Депутат минбари

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ аҳолини иш билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Мамлакатимиз ҳудудларида маҳаллий ва хорижий лойиҳалар асосида замонавий корхоналар, муассасаларнинг кенг фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда, малакали мутахассисларга эҳтиёж ортади, янги иш ўринларининг қўпайиши эса кўзланган мақсад сари қўйилган дадил қадамдир.

Аҳоли бандлиги: устувор вазифа

Мавлуда ХУЖАЕВА

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий
масалалар қўмитаси раиси

Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолиси 33 миллион нафарга ётди, шундан 19 миллиони меҳнат ресурсларини ташкил қилади, 1,4 миллиондан ортиқроғи ўз меҳнат фаолиятини хорижда амалга ошироқда. Хар йили меҳнат бозорига қарийб беш юз мингдан ошқин кириб келаятгани эса, уларни иш билан таъминлаш долзарб масала эканини кўрсатади. Шунингдек, вақтинча меҳнат билан банд бўлмаган фуқаролар ҳам борки, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилиши талаб этади.

Президентимизнинг 2017 йил 24 майдиги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда ҳамон эскирган, кам самарали иш шакллари ва усулларидан фойдаланишнинг келтирилган кўрсаткичларидан қайта баҳолаш, бозор шароитларига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бандликка қўмаклашиш бўйича ҳизматлар бозорида рақобатбардор муҳитни яратиш вазифалари белгилаб берилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мазкур йилнинг 6 сентябрда қабул қилинган “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни амалдаги муаммоларнинг қонуний ҳал қилинишида яна бир имкон эшигини очди.

Меҳнат кодексининг 57-моддасида аҳолининг ишга жойлашиш ҳуқуқи баён этилган. Унга қўра, унумли ва иқобий меҳнат қилишга, ўз қобилиятини намойиш этишга, қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи борлиги ҳамда “иш берувчига бевосита мурожаат қилиши ёки меҳнат органларининг бепул воситчилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгаллиги” таъкидланган.

Шунингдек, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига қўра, жойлардаги меҳнат бандлиги органлари фуқароларга мақбул келадиган ишларни топишда қўмаклашда ҳамда корхона, ташкилот ва бошқа иш берувчиларга ходим танлашда ёрдамлашда, дейилган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграция агентлиги эса фуқароларимизнинг мамлакат ҳудудидан ташқаридан иш билан таъминлаш амалга оширади.

Мазкур қонунга қўра, фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳуқуқи яна бир ҳуқуқ билан бойитилди. Яъни, иш қидирувчи фуқаро мақбул иш ўринларини топиш ва ишга жойлашишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтган тижорат ташкилотининг воситчилигидан фойдаланади ҳамда иш билан бандлигини

мамлакатимиз ҳудудидан ёки хорижда таъминлашига эришади.

Хусусий бандлик агентлиги — иш қидираётган шахсларнинг иш танлаш ва ишга жойлашишда, иш берувчига кадр танлашда хизмат кўрсатади, шунингдек, ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатувчи тижорат ташкилотидир.

Агентликнинг шохобчалари республика ҳудудидан ташқаридан, яъни хориждан иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш хизматини лицензияси мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширади. Демак, лицензия талаб қилинадиган корхоналар рўйхатига мазкур агентлик ҳам киритилди.

Ушбу агентлик юридик ёки jisмоний шахслар томонидан хар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин. Асосийси, ўз номига эга бўлиши ва “Хусусий бандлик агентлиги” деган сўзларни ўз ичига олиши лозим. Бу номдан фақат амалдаги қонунларга мувофиқ ҳолда фойдаланиш мумкин. Агарда юридик шахсларнинг олиб бораётган хусусий фаолияти мазкур атамани белгиланган тартибда қўлашади, унун қонун талабларига эид келган тақдирда, “Хусусий бандлик агентлиги” сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмаслар. Агентликни давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади.

Хизматлар фақат икки томон ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Хизмат кўрсатилгани учун ҳақ тўлаш микдори ва шарт-улаш, албатта, шартномада кўрсатилади. Ва унга амал қилиш қатъийлиги белгиланган. Тўлов ишнинг қай даражада бажарилганлиги ёки маълум микдори бажарилмаганлигига қараб турлича бўлиши мумкин.

Қонунда хусусий бандлик агентлигининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари алоҳида моддаларда кўрсатиб берилди. Жумладан, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ пуллик хизмат кўрсатиш; ишга жойлаштиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ахборот олиш; иш қидираётган шахслардан, шунингдек, иш берувчидан ишга жойлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатлар ва ахборот олиш каби ҳуқуқларга эга.

Қонунда иш берувчи ва иш қидираётган шахс хусусий бандлик агентлиги билан тузилган шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда шартномани бекор қилиши, шунингдек, агар шартнома агентлик айби билан бекор қилинган бўлса, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида тегишли давлат органларига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларга, хусусий бандлик агентликлари билан бирлашмасига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Хусусий бандлик агентлиги реестрини юритиш, лицензиялаш, расмийлаштириш ёки мавжуд лицензияни бекор қилиш Республика Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазириликнинг ваколатига киритилгани мазкур қонунда белгилангандир.

Сайлов жараёнини бошқаришнинг электрон тизими жорий этилади



Дастурда мазкур сиёсий жараён янада ошқоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур”, деб таъкидланган эди.

Бевосита Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурунинг 5-бандида Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхати ва сайлов жараёнини бошқаришда ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда “Электрон ҳукумат” тизими доирасида бутун мамлакатимиз бўйича жорий этиш вазифаси белгилаб қўйилди.

Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид қарор қабул қилиниши ушбу вазифаларни амалга оширишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Гарчи, ушбу ҳужжат ташкилий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлса-да, унинг сиёсий аҳамияти беқийсдир. Мазкур қарор билан мамлакатимизда сайлов тизимини ислоҳ қилиш бўйича янги қадам қўйилди. Зеро, сайлов сиёсий ҳаётимизни демократлаштиришда энг долзарб жиҳатлардан ҳисобланади.

Президент қарорининг қабул қилинишидан асосий мақсад — аввало, сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдан иборат. Шунингдек, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан самарали фойдаланиш учун зарур дастурий инфратузилмани яратишдир.

Бу тизим барча сайловчилар умумий сонини, яъни маъмурий-ҳудудий бирликлар кесимида уларни аниқлаш, шунингдек, хориждаги ватандош сайловчилар ҳисобини олиш, сайлов округи ва участкаларидаги сайловчилар нормасини белгилаш учун қулай шарт-шароит яратди.

Мазкур тизимни жорий қилиш сайловларнинг шаффофлигини, “бир сайловчи — бир овозга эга” принципини қатъий амалга оширади. Рўйхатнинг ҳолислиги ва изчил янгилашиб боришини таъминлайди. Сайловчилар яшаш манзили ўзгарганда онлайн тарзда мурожаат қилиб, сайлов участкасини ўзгартириши осон бўлади. Хар бир



сайловчи тегишли маълумотлар базаси билан танишиш имкониятига эга бўлади. Округ ва сайлов участкалари овозларни санаб чиқиш, якунларини умумлаштириш ишларини энгиллаштиради.

Электрон тизим — сайловчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш билан бирга, сайлов комиссиялари ишини ҳам осонлаштиради. Бундан ташқари, ушбу дастурнинг ишга туширилиши фуқароларнинг доимий ва вақтинчалик яшаш жойи, чет элга чиқиш ва қайтиши ҳақидаги батафсил маълумотларни, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк объектларининг тўлиқ ҳисоб-китобини, ҳудудлар, кўчалар, уйлар ва хонадонлар номи ва рақами электрон шаклда аниқ ва равшан белгиланишига тақозо этади.

Бу, ўз навбатида, фуқаролик ҳолати далолатномаларини тўлиқ тартибга солиш, аҳоли миграцияси, паспорт тизими ва давлат кадастр хизмати аҳолини юқори савияга қўтаришга олиб келади. Шунингдек, солиқ солиш объектлари кенгайди ва бюджет даромадлари ошади.

— Сайлов жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича эксперимент ўтказилган эди. Бу қандай натижа берди?

— Ҳақиқатан, 2017 йил 24 декабрь куни бўлиб ўтган Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашида сайловларда сайлов жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш мақсадида ахборот-коммуникация тизимини жорий этиш ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини тузиш илк мартаба ҳуқуқий эксперимент тариқасида синовдан ўтказилди.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатга киритилиши хар бир фуқаронини аниқ манзили билан бир-

галикда рўйхатга олиш демакдир. Ҳозирги кунга қадар, тўғриси айтиладиган бўлса, битта сайловчи бир неча рўйхатга кириб қолиши ҳолатлари учраётган эди. Яъни, рўйхатдан бир жойда ўтган, яшаш жойи эса бошқа. Бу эса, ўз навбатида, сайлов кунини айрим муаммоларни келтириб чиқарар эди. “Бир сайловчи — бир овоз”га эга, деган принципга айрим жойларда риоя этилмагани халқро кузатувчилар томонидан ҳам қайд қилинган эди.

Яна бир муаммо: бу сайловчиларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойи тўғрисидаги ишончли ва аниқ ахборот етарли эмаслигидир. Бу эса бошқа бир муаммони келтириб чиқарган. Мазкур масала кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрининг йўқлиги ёки объектлар ягона реестри қоғоз шаклида эскириб кетгани ва бир-хиллаштирилмагани муайян қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. Сайлов участкаларининг замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланиши ва уларнинг интернет тармоғига улашиши даражаси пастлигига қолаётгани сайлов жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермаган. Шунингдек, жойлардаги сайлов комиссиялари аъзоларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга доир билим ва кўникмаси етарли даражада эмаслиги сайлов жараёнини рақамлаштириш ва автоматлаштиришда қийинчилик туғдирган.

Сайлов жараёнига АКТни жорий қилиш бўйича хорижий тажриба ҳам батафсил ўрганилди. Ривожланган демократик давлатларнинг сайлов қонунчилиги ва амалиёти, хусусан, 20 дан зиёд Фарбий Европа, Шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатлари тажрибаси ҳам таҳлил

қилинди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тавсиялари эътиборга олинди.

Мана энди янги қарорга асосан 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар жараёнида мазкур янги тизим амалиётни жорий этилади.

— Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилишда Марказий сайлов комиссияси қандай вазифаларни бажарди?

— Президентимиз қароридан Марказий сайлов комиссиясига мамлакатнинг бутун ҳудудидан Сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиш бўйича фаолиятга умумий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириб боришни амалга ошириш юкланган.

Шунингдек, сайлов комиссиялари вакилларини янги тизим билан ишлаш кўникмасига ўқитиш вазифалари қатъий белгилаб берилди. Марказий сайлов комиссиясида йиғилиш ўтказилиб, қарор ижроси учун масъул бўлган давлат органлари, манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мазкур қарор мамлакатимизда сайлов тизимини янада такомиллаштириш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда сиёсий фаоллигини юксалтириш, сайловларнинг очиқ-ошкора ва транспарентлигини таъминлашга зарур шароит яратди. Сайлов жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда маҳаллий ва халқро кузатувчилар иштирокини кенгайтириш борасида дастуруламал бўлишига ҳам ишончимиз комил.

Қайд этиб ўтиш жоиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда сайлов тизимини ислоҳ қилиш, уни янада демократлаштириш, халқро андоза ва принципларга мослаштириш, фуқароларга қулайлик ва эркинлик яратиш бўйича улкан ишлар олиб борилаётган. Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш йўлида янги Сайлов кодекси лойиҳаси кенг халқ муҳокамасидан ўтмоқда, халқро экспертлар ва ташкилотлар хулосаси олинмоқда.

Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотларни тубдан янги босқичга қўтарадиган амалий ишларга йўл очди.

Эркак топармон бўлса...

► Томорқа

Она ерининг иссиқ бағри — тириклик манбаи. Одамзот фаровон турмуш кечириши учун чевар табиат унга ҳаёт нишонларини палакдаги гуллар каби ўрнига қўйиб қадаган, яна қанчадан-қанча ноз-неъматни яратиб беришга қодир. Фақат инсонда бироз ҳафсала ва ҳаракат бўлса бас.


Холида ФАЙЗИЕВА

“Hurriyat” мухбири

Фарғоналик Раҳмонали Ёқубовнинг оилавий бизнесини эшитиб, бажарган ишларини бироз ақл чигириндан ўтказар экансан, шундай хулосага келасан: ўн йил аввал бошлаган ишни, қилган меҳнати уни элда азиз қилди. Битта иссиқхонаси бугун тўрттага қўпайиб, сердаромад манбага айланди. Жами ери ўттиз сотих. Шундан олти сотихида мева-чева, сабзавот, анвои гуллар парваришланади. Эл дастурхонини мандарин, лимон, апельсин, қулупнай, малина каби сархил мева, помидор, бодринг, булғор қалампир, патиссон каби сабзавот билан таъминлаётди. Бир ёнда зайтун, бир томонда дафна ўрғони, зирк, қўқатлар кўрпни қувонтириб, ўсган. У банкдан кредит олиб ҳам ўтирмади. Оз-оздан йил-

ган даромад оила таъминотидан ортиб, бизнесни кенсига гайтиришга ҳам етди. Халоллик бор жойда баракка бўлади, деганлари шу-да!

— Цитрус мевалар ниҳолларини ўтказганимга беш йил бўлди, — дейди Раҳмонали ака. — Улар уч йилда ҳосилга қиради. Бир туپ апельсиндан 130-140 дона мева олганимда, оилам, фарзандларим — ҳаммамиз қувонганмиз. Яна денг, тўрттаси бир килодан оғирроқ келган. Лимон кўчатлари ҳозир қирқ туپдан ошди. Биласиз, лимон бизнинг иқлим шароитида фақат иссиқхонада яши ўсади. Бугун бу доривор мевага талаб катталигини ҳисобга олсак, яна қўпайтириш мумкин. Энди, зайтун, банан кўчатларини тажриба учун парваришляяпмиз. Сир-ас-



рорини ўзлаштириб олган, уларни ҳам қўпайтиришга киришамиз. Кўчат ҳам инсон каби меҳрга ташна. Қанча меҳр бериб, меҳнат қилсанг, шунча ҳосил оласан. Бунинг ўз тажрибамда кўрдим.

Ўзи камтар, сўзи салмоқли Раҳмонали ака ота-боболаримиз айтганидек ҳақиқий миришкор, ерининг тилини биладиган одам... — Кўчатларни асосан шарбат окизиш усулида парваришляяпман, айниқса, фосфорли ўғит солинса, ҳосили қўпаяди, — дейди дехқон.

Унга ҳавас қилиб, бизга ҳам иссиқхона ишини ўргатинг, деб келадиганлар қўпайди:

— Ҳозир маҳалламизда ўн нафар шоғирдим лимон парваришляяпти. Улардан мунтазам хабар олиб тураман, — дейди у. — Бундан ташқари, айрим фермер хўжалиқларига ҳам маслаҳату ёрдам бериб турибман. Шу кунларда қалампирни йиғиштириб, қуритишимиз керак. Бўш ёрдан фойдаланмаслигининг уволли бор.

Унинг оилавий бизнеси шу билан чегараланиб қол-

маган. Чорвага ҳам айрича меҳри бор. Ақс ҳолда тўртта улқоқи от, ўнлаб хисори қўй ва юзга яқин товۇқ боқилмасди.

— Акангиз тиниб-тинчи-майидиганлардан, — дейди хонадон бекаси Дилбар опа. — Турмуш қурганимизга ўттиз йил бўлди. Уч нафар фарзанд, беш нафар набиранимиз бор. Уйда эркак топармон бўлса, аёл ҳам унда буронликка интилади. Катта аравининг ортидан кичик арава деганларидай, фарзандларнинг ишибилармон бўлиши ҳам оила муҳитига боғлиқ. Ўғил-қизларимизнинг ўқиб-шидан қўнғилимиз тўқ, Отасига ёрдам беришга ҳам вақт топишди. Бодринг, помидор, патиссонлардан тузламалар тайёрлаб, дўконларга топширамиз...

Меҳнаткаш бир оиланинг фаровон ҳаёт сири бу. Унинг йиллик даромади эллик миллион сўмдан ошади. Орамида бор ёрдан, томорқасидан унумли фойдаланишни эпловмайдиғанлар қанча. Чет элга қанқил кўпроқ даромад топиб келаман, дея оворою сарсон бўлиб қуруқ қайтаётганлар ҳам кам эмас. Раҳмонали аканинг оилавий бизнеси, ҳалол меҳнати эвазига келган тўқин ҳаётдан ўрناق олса арзийди...

“Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинганга салкам ўттиз йил бўлди. 1989 йилда тузилган йигит-қизлар — ёш ота-оналар бугун фарзандини бирор-бир жорихий тилни ўрганишга йўналтириб экан, миллий уйғонишнинг асл дояси — ўзбек тили атрофида кечган сиёсий-мафқуравий жараёнлар истиқлолнинг тамал тоши бўлганини бир зумга бўлса-да, хаёлидан ўтказармикан?!

Олим ТОШБОЕВ

филология фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

Она тили ҳақида гап кетса, ёдимга энг аввал Абдулла Ориповнинг 60-йиллар бошида ёзган **“Она тилимга”** шеъри келади. Унда:

*“Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйи шеърга солурман.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қолурман”*, — деган сатрлар бор эди. Бу шеър минг-минглаб муҳлислар қалбидан она тилига бўлган муҳаббатни уйғотганига сираям шубҳа қилмаймиз. Йиллар ўтиб, шоир бежиз безовта бўлмаганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Яқин ўтмишга хаёлан сайр этиб, ҳар бир авлод эслаши ва билиши шарт бўлган воқеаларни ёдга олсак.

“Ёшлик” журналининг 1986 йилги 10-сонидан Чингиз Айтматовнинг “Литературная газета”нинг ўша йилги 33-сонидан берилган суҳбати таржимасини ўқиш мумкин. **“Ё ҳаёт, ё мамот”** деб сарлавҳа қўйилган музохабада миллат маънавияти, миллийлик мавзусида баҳс юритилиб, ёзувчи ўша даврдаги амалпараст демагоглар мақдоналиги сабаб миллий тил камситилаётганини танқид қилади.

Ч.Айтматовга кўра, “Токи тил мавжуд экан — халқнинг умри боқийдир. Ҳар бир тил муайян халқ учун азиз ҳисобланади. Ҳар биримиз бизни вояга етказган, бизга энг бебаҳо бойлигини — тилини ҳаёда этган халқ олдида қарздоримиз: тилимизнинг софлиги учун, бойиши учун жон куйдирсак, фарзандлик бурчини адо этган бўламиз”.

Муштабид тузум даврида миллий тил муаммосини бу тарзда дангал муҳокама қилиш учун Чингиз Айтматов бўлиш керак эди. КПСС сиёсатига мос тушмайдиган ҳар қандай фикрни таъқиб қилган совет цензурасининг Ч.Айтматовни қайчилашга қўли калталик қилган. Туркий халқлар ифтихорларидан бўлган адиб СССР халқ депутатларининг биринчи сездидида ҳам худди мана шу оҳангда сўзлайди. Адиб-арбоб иттифоқдош республикаларда миллий тилга давлат тили мақомини бериш масаласида кечаётган қизгин жараённи қўллаб-қувватлайди ва қатъий қилиб, маҳаллий халқларнинг тиллари давлат тили бўлиши керак, дейди.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафтаномаси 1987 йил сентябрининг 25-кунидида “Қуночак газетхонлардан хатлар” рункида галлаороллик Товбой Хўжамбердиев “Яқиндан бошлаб Галлаорол партия комитетининг пленумлари фақат рус тилида олиб бориладиган бўлди. Холбуки, Галлаорол қишлоқ райони ҳисобланади. Қишлоқ аҳолисининг рус тилини қандай билиши эса ҳаммага маълум. Пленумлар қатнашчилари орасида рус тилини яхши биладиганлар билан бир қаторда яхши тушунмайдиганлар ҳам учрайди. Бас, шундай экан, улар мажлисдан нима оладилар?”

Яна бир муаммо — ўзбек тилини билмайдиган раҳбарлар ҳақида ҳам ўйлаб қўриш лозим. Ҳеч қайси раҳбар дала ва фермаларда меҳнат қилаётган оддий халқнинг тилини билмай туриб уларни ўз ортдан эргаштиролмайди.

Она тилини севамаган одамда ўзи турғилиб ўсган заминга, аждодларимизнинг минг йиллар давомида яратган буюк маданий меросга, ота-онага, урф-одатларимизга муҳаббат бўлармикан? деб ёзади.

Бу мактуб биргина муаллифнинг эмас, минглаб, миллионлаб одамларнинг дарду армони эди. Лекин бу ҳолни аксарият юртдошларимиз мажлис ва машваратларда очик айтолмас, борди-ю, тиш ёрган вақтда ҳам боши тухматдан чиқмасди. Чойхонаю тўйхона гурунглари, гап-гаштаклардаги муҳокамалар секин-аста газета-журнал саҳифаларига ҳам кўчади.

“Ёшлик” журналининг 1988 йилги 1-сонидида қўшрабтлик Т.Урозов фикрлари берилган.

Кучирма: “Ёшлик” журналининг 1987 йил 9-сонидида босилган Абдулла Қаҳҳорнинг “Тил ҳақида нутқ” мақоласини ўқиб ушбу хатни ёзганман.

Авалло, мақолада ўз она тилимиз — ўзбек тили ҳақида кўтарилган муаммоларни жуда-жуда тўғри деб ўйлайман. Ҳақиқатан, тилимиз жуда бой, лекин унга напосанд қараётган ҳам, камбағаллаштиришга “ҳисса қўшаётган” ҳам ўзимиз ва фақат ўзимиздир.

Ҳозир қаерга қараман, ўзбекча ёзувлар камайиб кетмоқда. Кўчаларнинг номлари дейсизми, магазинлар пештоқидаги ёзувлар дей-

сизми, шоирлар дейсизми — деярли ҳамма ёзувлар рус тилида. Мени тўғри тушунишлар: кўнглимда ўз она тилимизга қуночакликдан бошқа ҳеч қандай ният йўқ. Фақат, айтмоқчиманки, шу ёзувлар ўзбек тилида ҳам ёзилса ҳамма бирдай ўқийди, аниқроғи, моҳиятига, мазмунига ҳамма тушунади”.

Каттагина дард, ammo бир ҳовч ҳадик билан битилган мактубларга расмийлар ҳеч қандай жавоб бермайди. Чунки бу Марказқўм учун муаммо эмас — галлаоролу қўшрабтнинг муаммоси!

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1988 йил 22 январь сонидида Мирза Кенжабоевнинг “Дилдошлик” мақоласи “Тилга эътибор — элга эътибор” рункида босилиб чиқади. Халқ тарихи — тил тарихи, деган тамойилни эсга олган шоир бир тилни оёқ ости қилиш эвазига иккинчи тилни улуглаш ёки бир тилни улуглаш учун иккинчи тилни оёқ ости этиш сиёсий жоҳиллик, деб ҳисоблайди. М.Кенжабоев ўзбек тилининг лугат бойлиги ниманинг ҳисобига бойиб бораётганини таҳлил

мурожаат қабул қилиниб, ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилиш сўралади.

Бу тилни асраш, унинг мақомини кўтариш, ўзбек тилига ҳурматни уйғотишнинг бошланиши эди. Шундан сўнг кўп ўтмай “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ёш ленинчи”, “Ёшлик”, “Фан ва турмуш” каби газета-журналларда қуночак зиёлиларимизнинг мақолалари бирин-кетин босила бошлади. Тилининг инқироз ёқасига келиб қолгани шунчалик бўлганки,

нинг биринчи қотиби томонидан вазиятнинг ижобий баҳоланиши зиёлиларга катта суянч ва рағбат бўлади.

1989 йилнинг 19 март куни Ўзкомпартия Марказий қўмитасининг Идеология комиссияси тил муаммоларини ўрганиш ва халқ байрамлари ҳамда маросимларини тиклаш муаммолари юзасидан ишчи гуруҳлари тузилади. Ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилишга уриниш, бу йўлдаги жиддий ва дадил қадамлар, изчил ин-

еш Гуличка, “се-ва-мен!” **Значить любить. А, сенда не то. Давай, бошидан, начали”.** Ўзбек актёрига ўзбекча сўз шу зайдда тушунтирилади. Агар эътибор берган бўлсангиз, сахнадаги актёрнинг гап оҳанги ўзбекча эмас, сўзлар бураб-бураб талаффуз қилинади. Баъзан сахнада ўзбеклар эмас, ўзбекчани энди ўрганган инглизлар гапирётганга ўхшайди.

Қайта қуриш, ошқоралик даврида ҳам шахару қишлоқларда од-



Давлат тили: туғилиш азоби

қилар экан, тил бузилиши икки хил сабабга кўра, биринчиси, чет сўзлар ўринли-ўринсиз ишлатилаётгани, иккинчиси ўзбек тилининг қадимий сарфун ваҳи, яъни грамматикасига қўпол ҳурматсизлик қилинаётгани туфайли содир бўлаётганини айтиб ўтади. Шоир жиддий муаммони ечиш, хатони тизатиш йўли Тошкент, Самарқанд дорилфунунларида, республиканинг педагогик йўналишдаги олий ўқув юртиларида эски ўзбек тили (илмосли) факультетларини очиб ҳамда тахир илмини қатъий жорий қилишда деб билади.

Мана, ўшандан бери учта ўн йил ўтди. Муаллифнинг энг охириги тақлиқи — тахир масаласи бугун жон талвасасида турибди. Аҳвол шундай давом этса, эрта-индин бу сўзининг ўзи ҳам ишлатилмаслиги мумкин.

“БИЗГА ЎЗБЕК ТИЛИ НИМАГА КЕРАК?...”

“Ёш ленинчи” газетасининг 1989 йилги 10-сонидида В.Хамроевнинг **“Бу ёғи нима бўлади? Тил ҳақида ва фақат тил ҳақида эмас”** мақоласи босилган. Аслида бу мақола “Ташкентская правда” газетасидан ўзбекчалаштирилди. Мақолада ёзилишича, 1988 йил 3 декабрда Талабалар шаҳарчасида талаба-ёшлар ташаббуси билан “Ўзбек тили байрами” ўтказилади. Ётоқхоналар оралигидаги қаровсиз футбол майдонидида бир неча юз талаба-ёш ва меҳмонлар давра қуради. Аслида, талабалар имкон йўқлигидан бу жойга йиғилди. Чунки туман ихроия қўмитаси тадбирни университет саройи ёки майдонда ўтказишга ружаст бермайдди. Лекин байрам тадбирини Тошкент шаҳар ва вилоят қўмиталаридан келган расмий вакиллар бир четда кузатиб туради. Айримлари даврага яқин бориб, гапирилаётган гапларга қўлоқ ҳам солади.

Байрамга келган талабалар **“Она тилимиз янада сержоло бўлсин!”**, **“Тилимиз ва меросимиз қабристонга айланмасин!”**, **“Йўқолсин турғунлик даври иллатлари!”** — деган ранг-баранг шоирларни кўтариб олган. Уртага шоирлар, ёшлар вакиллари чиқиб, она юрт, халқ, тил ҳақида шеърлар ўқийди, тилни асраш ҳақидаги фикрларини айтиди. Қўшиқлар янгради. Тадбир якунида бошқа олий ўқув юртиларида ҳам ўзбек тили байрамларини ўтказиш, Алишер Навоий тутилган кунни Ўзбекистонда она тили кунини сифатида нишонлаш, техника ва тиббиёт олий ўқув юртиларидаги ўзбек гуруҳларида дарсларни ўзбек тилида олиб бориш тақлифи ўртага ташланди, барча она тилининг софлиги учун курашишга даъват этилади. Анжуманда Марказқўмга

ўзбек тилининг Фанлар академиясида ҳам қўлланилмай қўйгани у ёқда турсин, ҳатто илмий ва ижодий зиёлиларнинг аксарияти ўзaro муомалада ҳам ўзбек тилини ишлатмай қўяди. Эълон қилинган мақолаларда битта фикр устувор эди. У ҳам бўлса бузилган миллий сиёсатни ўнглаш, ғариб бўлиб қолган тилимизнинг қаддини кўтариш учун унга давлат тили мақомини бериш шарт деган гоё. Фақат шу йўл билан халқнинг ўзлигини, маънавияти ва адабиётини танаазулдан сақлаб қолиш, чин зиёлиларни етиштириш, жамоатчиликка лоқайликка барҳам бериш мумкинлиги ўқурилган. Чунки ўша даврда “Бизга ўзбек тили нимага керак, шу тилни билмасак ҳам кунимиз ўтади”, қабилидаги гапларни ҳар қадамда эшитиш мумкин эди.

БИР КҮН ТҮЗ ЕГАН ЖОЙГА ҚИРҚ КҮН САЛОМ

Диний ва миллий қадриятлари ўзга юртдошларимиз орасида ўзбек тилига меҳр қўйган, ардоқлаганлар ҳам кўп эди. Ана шундай инсонлардан бири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, асосан уруш мавзусида асарлар ёзган адиб Владимир Карповдир. В.Карпов урушгача Ўзбекистонда яшаган. Улуғларимизнинг айтишича, у кишининг ўзбек тилидаги оғзаки ва ёзма нутқи жуда раво бўлган. Ёзувчи 1981 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган адабиёт кунларига “Новый мир” журналы бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари сифатида келади. Ушунда у “Ўзбекистон менинг ватаним, ўзбек тили — менинг ватиним она тилимдир. Мен ўзимни шайхонтоҳурлик йигит деб ҳисоблайман” деган эди.

Рус адиби туз еган элига қуллук қилиб, кейинги таширифи яқинда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1989 йилги 11-сонидида **“Тил — халқ руҳи”** мақоласини эълон қилади. Жангчи ёзувчи тил ҳар бир халқнинг маданиятини таъин этишини, асрлар оша халқ томонидан сайқал топиб боришини таъкидлаб, “тил миллатнинг қиёфасини белгилловчи маънавий бойлик ва ўзбек адiblари бугунги кунда ўзбек тили ҳаёти мизда бош, етакчи ўринни эгаллаш керак деб ҳисоблаётган эканлар, мен шахсан бу истакда ҳеч қандай миллатчилик ҳаракатларини кўрмайман. Бу табиий ҳол, табиий истақ, тил қадри ва бойлиги ҳақидаги гамхўрликдир” дейди. Бу жуда катта гап эди. Чунки тил мавзусини кўтариб чиқаётганларга “миллатчи” ёрлиғи ёпиштирилган мураккаб бир шароитда кимсан таникли рус адиби, бунинг устига СССР Ёзувчилар уюшмаси-

тилишлар пойтахт ва марказий шаҳарлардаги зиёлиларни, бир сўз билан айтганда, афкор қатламни уйғотиб юборади. Тил руҳи миллат қалбини сергаклантиради. Республиканинг ижтимоий-маънавий ҳаёти айнан тил туфайли мухлоқ янги бир босқичга кўтарилади. Илгари сира кузатилмаган ва одамларнинг эс-ҳушига кирмаган бу талабчанликнинг пайдо бўлгани расмий доираларни хийла эсанкиратиб қўяди. Хусусан, пойтахтдаги маърифий-мафқуравий қайноқ муҳитни кетма-кет қақирлаётган мажлис ва кенгашлар, учрашув ва мунозаралардан ҳам англаш мумкин эди. 1989 йил апрелининг 3-кунини республика раҳбари бошчилигида Идеология комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилишда ўзбек тилини, миллий тил — рус тилини ҳамда иккиталиқнинг бошқа шакллари ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади. Комиссия мажлисида ўзбек тилини янада ривожлантириш, ўзбек тилидан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш учун унга давлат тили мақомини бериш мақсада мувофиқ, деган фикр билдирилади. Қонун лойиҳасини тайёрлаб, умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилинади.

“ОН ГОВОРИТЬ “СЕВАМАН...”

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст “Литературная газета”нинг 1989 йилги 6-сонидида чоп этилган **“Ёрлик талаблар”** (“Соискатели “индульгенций”) мақоласида ўзбек тилининг химояга муҳтож бўлиб қолгани ҳақида сўз юртади. Миллат келажаги билан боғлиқ ўта жиддий муаммонинг собиқ Иттифоқ микёсида муҳокамага қўйилиши фидойий зиёлиларга далда бўлганди ўшунда. “Л” муҳбири она тилимизнинг ноҳор аҳолини ўзбек тили лугатининг қашшоқлиши бораётганида, тилимизга русча сўзларнинг айнан (калька) таржима қилинаётганини, шу йўл билан ясалган сунъий сўз ва ибораларнинг ҳар кун одамлар қўлига сингиб, лисоний ва адабий меъёрга айланаётганини кўради ва даштда мол боқиб юрган қўлон ўзбек тилини ёзувчида яхшироқ билиши сир эмаслигини айтиб ўтади.

Тоҳир Малиқнинг 1989 йилда эълон қилинган **“Пойдевор”** мақоласидаги қуйидаги фикр қанийди эскирган бўлса! “Театрларга машқ пайтида кириб қолсангиз, бошингизни қайси деворга уриб ёришингизни билмайсиз. Ўзбек театрида ўзбекча асар сахналаштириляпти. Бирдан режиссёрнинг овози янгради: **“Стоп, стоп! Что за орунда! Он говорит “севаман”, понима-**

SIFAT SO'Z TURKUN
aylli
ozoda
kamtar

ayum va shaxslarning b...
ganaqa? so'roqlariga jav...

УшА ФОТОС

учун керак” деб ёзади. Шоир қонунга муносабат билдирар экан, мақоланинг бошидан охирига қадар бир нуктага — халқ манфаатига ургу беради. “Ўзбекистон ҳудудидида яшаб турган, вазифасига кўра аҳоли билан муомала қилиши лозим бўлган ҳар бир фуқаро ўзбек тилини билиши шарт. Шу модда қилга кирган кунни ўзбек тили давлат тили бўлади” дея қатъий ўқтиради.

“Ўқитувчилар газетаси”нинг 1989 йилги 56-сонидида уйчилик муаллим И.Расулов “Лойиҳанинг “эски ўзбек ёзуви тўғрисида” деган VI боб 24-моддаси “эски ўзбек ёзувлари тўғрисида” деб номланиши, бизнингча, маъқулроқ. Халқимизнинг минг йилдан ортиқ тарихи фақат араб ёзувида эмас, бошқа ёзувларда ҳам акс этган. Педагогика институтларида ва айрим мактабларда хоразм, сўғд, урхун-өнисей сингари ёзувларини ўргатадиган махсус тўғрақлар ва курслар ташкил қилиш лозим” дейди. Наманганлик ўқитувчи Тўхтаҳон Раҳимова мактабларнинг биринчи синфданок араб алифбосини ўрганиш ташкил этилса, деган тақлифни билдиради. Бундан ташқари, муаллима эски, унутилиб кетган қадимий сўзларимизни қайта тиклаб, муомалага киритиш учун “эски ўзбек тили лугати”ни тўплаш ва чоп этиш заруратини баён қилган.

Бу гаплар айтилгандан бери қанча сувлар оқиб кетди. Янги бир авлод дунёга келди. Лекин назаримда масала кун тартибидан тушиб қолгани йўқ. Хўш, бугунги ёшларнинг неча фоизи ўзбек ёзувини ўқий олади? Таҳи бузилмай турган қадимий қўлёзмаларни шариллатиб туширадиган, ўрганиб тарғиб этишга жидду жаҳд қилган ёшлар қаерда? Араб алифбосидаги эски ёзувимизни кўрган бугунги ёшлар уни қандайдир бир нақш, безак деб ўйлаши тайин. Истиклол арафасида насталиқни ўқийдиган, ўргатадиган ва ўрганадиганлар гуриллаб кўпайган эди. Бугун бундай дея олмаймиз. Чунки биз яна европа тилларини ўрганишга мўкка тушдик.

“ТИЛИМИЗНИ ХАККА ЧЎҚИГАНМИ?”

Гўри нурга тўлсин машҳур публицист Иброҳим Раҳим “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1989 йилги сонларидан биринчи тонги радиоэшитиришдан то “тунингиз хайрли бўлсин” гача неча-неча бор қўлоққа чалинадиган “ўзбекча” ясама сўзлардан, матбуотдаги уйдирма сўз, тескари ибора ва тилбузар гаплардан хунуб бўлгандан ана шундай қиқарилиб, унинг ўзбек тилига ағдарилган асарлари камситилган.

1989 йил 20-21 октябрь кунлари Тошкентда ўн биринчи қақирқ ўзбекистон СССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтади. Сессияда СССР халқ депутатлари — Одил Ёқубов ҳамда Абдулла Орипов қабул қилинаган қонун моҳияти тўғрисида қуночаклик билан сўзлайди. Сессия 30 моддадан иборат “Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида”ги қонунни 21 октябрь санаси билан қабул қилади.

Курашдан кўзланган мақсад қонун эди. Биз унга иттиқ эдик, эришдик. Йиллар ўтгани сари завқимиз сўниб, ҳиссийларимиз чўғи ўрди. Чунки кўнгли тўқ — қонун бор-да! Аммо қонун биздан ортда қолди. Биз йилларга қўшилиб ўндан ўзиб кетдик.

Синчи зиёлилар айтаётганидек, энди ўзбек тилини нафақат русча сўз ва иборалардан, балки Оврупонинг турли тиллари таҳдидидан, хусусан, инглизча таъсирдан химоялаш вазифаси пайдо бўлди. Агар сизда жиндай иштибоҳ бўлса, ишга ё бозорга бораётганингизда бекатми ё дўкон, тамаддинонаю сартарошхона, меҳмонхонаю ана турли ...хоналар пештоқида, кўча-мавзеларимизни безаб турган реклама ва эълонлар тахтасига бирров кўз ташласангиз, бас.

Ўзбек тили мавқеи учун кураш тарихи ана шундан иборат, барча миллатпарварлар “шуйтиб” мурод-мақсадга етибди, дея эртакмонанд яқин қилмас ҳам бўларди. Лекин, ўзингиз билган ўша гап: тил ҳам тирик жон экан, унинг эркин нафас олиши учун кураш асло тўхтамайди. Бу зафарли юришининг сўнгги бекати, ривоятлардагидек хотима си йўқ. Нега шундай? Тил, бир тасаввур қилинг, бамисоли миниб юрган маънавийнинг ойнаси. Сиз ёмғир-қорда, чанг-ғуборда ойнани бир лаҳза тозаламанг-чи! Раҳмат, обингиз беҳиштер тормаозга боради. Йўлдан четлаб кетганингизни сўзмай ҳам қоласиз. Она тилимиз ҳам ана шундай: бетиним меҳр-муҳаббатта, қаров-ардоққа муҳтож.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁҚАРАШ

Мамлакатимизда бошланган ва изчил давом эттирилаётган ана шундай эзгу ишларнинг юксак самараларини, одамларимиз руҳияти, маънавияти ва кайфиятида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни кенг ва ҳолисона ёритиш оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Амалга оширилаётган қурилиш, таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари самарасида янги қиёфа касб этиб, тобора обод бўлиб бораётган замонавий қишлоқларимиз ва маҳаллаларимиз ҳақида мақола-лар, суратлар, репортажлар чоп этмаган нашр, телекўрсатув ва радио эшиттиришлар бермаган электрон оммавий ахборот воситаси йўқ. Худудий жойлашуви, мавқеи ва даврийлигидан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситаларида бу долзарб мавзу мунтазам ва тизимли ёритилмоқда. Соҳада эришилаётган ютуқлар, йўл қўйлаётган камчиликлар, истиқболда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар тахририятларнинг ишчи йиғилишлари ва ижодий кенгашиларида муҳокама қилинмоқда. Оммавий ахборот воситаларида бунёдкорлик ишларига жалб этилган қурувчилар, муҳандислар, лойиҳачилар, ишчилар ва тадбиркорларнинг фикрларига, эътирофи ва эътирозларига кенг ўрин берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳаммасидан муҳимроғи, ўша обод ғўшаларга айланиб бораётган қишлоқлар ва маҳаллаларда яшаётган одамларнинг фикр-мулоҳазалари доимий эътиборда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Обод қишлоқ» дастури одамларнинг дунёқарашини ўзгартирмоқда.

Бирок жараёнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини ва самараларини янада кенгроқ ва таъсирчанроқ очиб берадиган таҳлилий ва танқидий материаллар, афсуски, ҳали кам.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси бу борадаги изла-нишларни янада ривожлантириш ва журналистларни ўйлантираётган муаммолар борасида фикр алмашиш мақсадида ҳамкор тақдирот — Республика товар-хонашў биржаси ҳамда Наманган вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда, Наманган шаҳрида Фарғона водийси вилоятлари ОАВ вакиллари иштирокида, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси ОАВ нигоҳида: ютуқлар, муаммо ва ечимлар» мавзусида минтақавий конференция ўтказди. Анжуманда маҳаллий ва марказий газета ва журналлар, теле-радиока-наллар, интернет нашрлар раҳбарлари, фахрий журналистлар, олимлар, шунингдек, депутатлар, маҳаллий ҳокимият органлари, қурилиш соҳаси вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди. Кун тартибидан жой олган мавзунинг долзарблиги ва катта қизиқиш ўйотганини шундан ҳам билса бўлардики, конференция гоҳ жонли, самимий баҳс-мунозара ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Қўллаб рақамлар тилга олинди, тақлифлар илгари сурилди.

Анжуман иштирокчилари тадбир аввалида сўнги йилларда бутунлай янги қиёфа касб этиб, замонавий шахарга айланиб бораётган Наманганда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бунёд этилган Адиллар хиббонини зиёрат қилди. Хиббон марказида қад ростлаган буюк ўзбек шоири Бобораҳим Машрабнинг маҳобатли хайкали пойига гул қўйиб, ҳурмат бажо келтирди. Бу ёрдан Наманган адабий муҳитида шаклланган ва ўзбек адабиёти ривожига салмоқли хисса қўшган Нодим Намангоний, Ҳилватий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Исоқхон тўра Ибрат, Набиҳон Чустий, Рафиқ Мўмин, Усмон Носир, Зафар Диёр, Хусниддин Шарипов ва Ҳабиб Саъдулла сингари адибларнинг бюсти жой олган.

Кези келганда таъкидлаш керакики, юртимизда улғу боболаримиз, ёзувчи ва шоирлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида барча вилоятлар марказларида Адиллар хиббони мажмуалари барпо этилмоқда. Маънавият, маърифат, таълим ва тарбияга кенг эътибор қаратилган жамият тез ривожлан-ди, тараққиётга эришиши тарихдан маълум. Юртимизда миллат тамаддунинга муносиб хисса қўшган аждодларимизга кўрсатилаётган бундай ҳурмат ва эътибор бугунги ёш авлодга она ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.



Обод манзиллар: бунёдкорлик таҳлили ва такомили

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР ИНЪИКОСИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Наманган вилоят бўлимининг «Халқ кутубхонаси»да ўтказилган конференцияни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган ислохотлар боис халқимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй бермоқда, — деб таъкидлади С.Ҳақимов. — «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар эса одамларимизни яхши яшашга бўлган орзу-умидларининг рўёбга чиқишида муҳим омил бўлаётди.

Ҳар нарсанинг буй-басти, кадр-қиммати бошқаларга қиёс этилганда ёрқин намоеён бўлади. Холбуки, қамровининг кенглиги, изчиллиги ва самардорлиги бўйича бу икки дастурнинг на тарихда ва на бугунги кунда ўрнини топиш мушкул. Қишлоқ ахли истиқомат жойлари ва шахар маҳаллалари тамоман янги маъморий қиёфага кирмоқда, йўллар қурилаётди, тоза ичимлик суви, газ кириб келмоқда, болалар боғчалари, мактаблар, дам олиш масканлари, савдо шохобчалари қурилмоқда. Бу жараён, ҳеч шубҳасиз, мана шу жойларда яшаётган одамларнинг қалбида яшаш завқини ошириб, яратиб иштиёқини кучайтирмоқда.

Ана шундай улкан ўзгаришлар жараёни оммавий ахборот воситаларида, жумладан Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида қандай ёритилмоқда? Уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳамияти қанчалик чуқур ва таъсирчан очиб берилмоқда? Бу борадаги фаолиятимизни қучайтиришимиз учун яна нималарга эътибор бермоғимиз лозим? Бугунги анжуманимизда ана шулар ҳақида фикрлашиб олишимиз даркор, — деди нотик.

ЎЗБЕКИСТОН
ЖУРНАЛИСТЛАРИ
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ
ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР-
ХОМАШЁ БИРЖАСИ ЎРТАСИДА
ТУЗИЛГАН «ДУСТЛАР КЛУБИ»
ТОМОНИДАН АЖРАТИЛГАН
СОВГАЛАР ТОПШИРИЛДИ.
ХУСУСАН, ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
СЎҲ ТУМАНИ ҲОКИМИЛИГИ
НАШРИ «САДОИ СЎҲ»,
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚОРАСУВ
ШАҲАРЧАСИ ҲОКИМИЛИГИ
НАШРИ «ҚОРАСУВ ТОНГИ»,
НАМАНГАН ТУМАНИ ҲОКИМИЛИГИ
НАШРИ «ИСТИҚЛОЛ»
ГАЗЕТАЛАРИГА КОМПЬЮТЕР
ЖАМЛАНМАСИ БЕРИЛДИ.
ШУНИНГДЕК, ЖОЙЛАРДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН
ИСЛОХОТЛАРНИ ЁРИТИШДА
ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ
КЕЛАЁТГАН 9 НАФАР
ЖУРНАЛИСТ ДИПЛОМ ВА
КИММАТБАҲО СОВГАЛАР
БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ра-сул Қушербоев ахборот соҳасини янада демократлаштириш ва ривожлантириш бўйича қонунчилик киритилаётган ўзгариш ва кўшимчаларга оид, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бошқармаси бошлиги Жасур Хусанов худудий ОАВда «Обод қишлоқ» дастури, тегишли дастур ва режалар ижросининг ёритилиши, бу борадаги мавжуд ютуқ ва камчиликларга бағишланган маърузалари билан иштирок этди. Ҳар иккала маърузачи томонидан келтирилган далил ва рақамлар бўйича иштирокчилар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини баён этди.

— Водий вилоятлари ОАВда дастур доирасида амалга оширилаётган вазифаларни ёритиш бўйича кўплаб чиқишлар қилингани ва қилинаётганини таъкидлаш лозим, — деди Ж.Хусанов. — Аммо таҳлиллар ишимиз жамоатчилик журналистлардан кутаётган даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Мавзу доирасида уччала вилоят ОАВда берилган материаллар аксарият ҳолларда асосан ахборотлардан иборат бўлиб қолаётди. Холбуки, дастур доирасида қишлоқларда олиб бораётган бунёдкорлик ишлари бўйича таҳлилий-қиёсий мақола-лар, очерклар, кўрсатув ва радио эшиттиришлар тайёрлаш учун катта иқтидорлар мавжуд. Мақо-лаларда фақат рақамлар ортидан қувмасдан, аҳолининг аввалги турмуш шароити ва ҳозирги ҳолатини муҳирона кўрсата олсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунёд этилаётган турар-жойлар, йўллар, мактаб ва боғчалар фақат бугунги кун учун эмас, балки келажак учун хизмат қилишини ўз чиқишларимизда кўрсатишимиз зарур.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон товар-хонашў биржаси ўртасида тузилган «Дўстлар клуби» томонидан ажратилган совгалар топширилди. Хусусан, Фарғона вилояти Сўҳ тумани ҳокимлиги нашри «Садои Сўҳ», Андижон вилояти Қорасув шаҳар-часи ҳокимлиги нашри «Қорасув тонги», Наманган тумани ҳокимлиги нашри «Истиқлол» газеталарига компьютер жамланмаси берилди. Шунингдек, жойларда амалга оширилаётган ислохотларни ёритишда фаол иштирок этиб келаётган 9 нафар журналист дипло-м ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди.

ДАЛАДАГИ УЧРАШУВ

Шу кунларда мамлакамиз фермерлари томонидан этиштирилган пахта ҳосилини йиғиб олиш ишлари қизғин давом этмоқда. Анжуман иштирокчилари далада, пахта теримчилари ҳузурда бўлди.

Наманган туманидаги «Фофир-жон ота» фермер ҳўжалиги пахта даласида бўлган гурун барчада илқ таассурот қолдирди. Ижод-корлар ва пахта теримчилари ўрта-

сида бўлиб ўтган самимий гурун-шеърхонликка айланиб кетди. Меҳмонлар томонидан олиб келинган китоб ва бошқа совгалар энг илғор теримчиларга топширилди.

— Ҳар кун 200 килограммча пахта тераялман. Пулини ҳам вақтида олаёғимиз, — дейди Фотима Тиллабоева. — Бизни йўқлаб келган журналист акаларимиздан миннатдоримиз. Менга ҳам китоб совға қилишди. Бу китобни болаларим билан бирга ўқиймиз. Улар китоб ўқишни яхши кўришади. Фарзандларимни яхши инсон, халқимиз ва давлатимиз қорига ярай-диган кишилар этиб тарбиялашни хоҳлайман.

АВЛОДЛАРГА ИБРАТ

Маърифатпарвар шоир, атоқли тилшунос, ўзбек матбаачилиги асосчиларидан бири Исоқхон Ибрат хотирасини абадийлаштириш

саъй-ҳаракатлар натижасида сизу биз кўриб турган гўзал ва обод маскан бунёд этилди. Бугунги кунда ушбу боғ Наманган, хусусан Тўрақўрғоннинг таърифномасига айлан-ди, десак, мулоҳаза бўлмайд.

Мажмуа худудига тутшиб кетган ва юз йилча бурун барпо этилган матбаа корхонаси ҳам қайта таъмирланди. Мўъжаз бинода матбаа корхонаси ва туман ҳокимлигининг «Давр» газетаси тахририяти жойлашган. Эътиборлиси, газета ижодий жамоасига фаолият олиб бориши учун яратилган имкониятлар меҳмонларга манзур бўлди.

— Айна пайтда газетамиз 4243 нусхада чоп этилмоқда, — дейди «Давр» газетаси бош муҳаррири Зоҳидхон Кенжаева. — Саҳифаларимизда туманимизда амалга оширилаётган ислохотлар кенг ёритиб борилмоқда. Жамоамизда 10 нафар ходим фаолият олиб боради. Туман ҳокимлиги обуна ва бошқа масалаларда доимо ёрдам бериб келади.

Исоқхон Ибрат мажмуаси худуд-ида барпо этилган хорижий тил-ларга ихтисослаштирилган мактабга уюштирилган таъриф ҳам мазмуни ўтди. Меҳмонларни мак-

таб ўқувчилари ўзбек, араб, форс, рус, инглиз, француз, испан тил-ларида ўрганган қўлловлари билан қарши олишди. Мактабда яратил-ган қулай шарт-шароит ўқувчилар-нинг хорижий тилларни пухта ўрганишига хизмат қилмоқда.

МАҚСАД АНИК

Конференция иштирокчилари Тўрақўрғон тумани «Оқтош» маҳал-ла фуқаролар йиғинига тақлиф этилди. «Оқтош» катта қурилиш майдонига айланган. Қишлоқ аҳолисини йиллар давомида тўп-ланиб қолган маиший муаммолар қийнаб келган. Жумладан, собиқ иттифоқ даврида қурилган икки қаватли уйларда канализация, тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, томдан чаққи ўтиш, ер-тўлаларнинг аянчи аҳоли эъти-розларга сабаб бўлиб келаётган эди. Болалар учун боғча ва спорт майдонларининг йўқлиги ҳам асо-

” ОЛДИН КАТАЛАКДЕК
УЙДА БЕШ ОИЛА
БИРГА ЯШАРДИК.
ҚАРАМОФИМИЗДА НОГИРОН
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БОР, —
ДЕЙДИ НАСИБА ҚОЗОҚОВА.
— АЛОҲИДА УЙ СОТИБ
ОЛИШ ЁКИ ҚУРИШ УЧУН
МАБЛАҒИМИЗ ЙЎҚ ЭДИ.
ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
ТОМОНИДАН ШАРОИТИМИЗ
ЎРГАНИЛГАНДАН КЕЙИН
БИЗГА УЧ ХОНАЛИ УЙ
БЕПУЛ БЕРИЛДИ.
КЕНГ ВА ЁРУФ ЖОЙЛАРДА
ЯШАЙМИЗ ДЕБ
СИРА ХАЁЛИМИЗГА
КЕЛТИРМАГАН ЭДИК.
ОИЛА АЪЗОЛАРИМИЗ
БУНДАН ЖУДА ХУРСАНД.
ЭЪТИБОР ВА ГАМЖЎРЛИК
УЧУН МИННАТДОРЛИК
БИЛДИРАМИЗ.

ган кичик иқтисодий зона бунёд этил-моқда. Ёрдамга муҳтож оилалардан 16 нафарига икки ва уч хонали уй, 2,5 сотих ери билан қуриб берил-ди. Айна кунларда қурилиш ишлар-ида юзлаб техника ва 4,5 минг киши иштирок этмоқда.

— Маҳалламизда олиб борила-ётган ўзгаришлардан хурсандимиз. Олдин каталакдек уйда беш оила бирга яшардик. Қарамогимизда ногирон фарзандларимиз бор, — дейди Насиба Қозоқова. — Алоҳи-да уй сотиб олиш ёки қуриш учун маблагимиз йўқ эди. Вилоят ҳокимлиги томонидан шароитимиз ўрганилгандан кейин бизга уч хона-ли уй бепул берилди. Кенг ва ёруғ жойларда яшаймиз деб сира хаёлимизда келтирмаган эдик. Оила аъзоларимиз бундан жуда хурсанд. Эътибор ва гамжўрлик учун миннатдорлик билдираимиз.

Конференция якунида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини ОАВда ёритиш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар иш-лаб чиқилди. Жумладан, қишлоқ-ларда (маҳаллаларда) маданий-маърифий ишлар ҳолати, хусусан, китобхонлик маданиятини юксалти-риш, кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалга оши-рилаётган ишлар ҳақида матери-аллар тайёрлаш; қишлоқ (маҳалла) ёшлари учун иш ўринлари яратиш, уларнинг хорижа иш излаб сар-сон-саргардон бўлиб юришлари-нинг олдини олиш мақсадида оила-вий тадбиркорликни тарғиб қилу-вчи илғор тажрибани, бу борада на-муна бўла оладиган оилалар фа-олиятини кенг ёритиш; жойларда соғлом турмуш тарзи тарғибига тизимли равишда эътибор қара-



буйича Тўрақўрғон тумани маркази-да кўркам ва маҳобатли мажмуа барпо этилган.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 2 ноябрь кунини Учқўрғон туманида ўтказилган сайловолди учрашувида вилоятимизда туғил-ган адиллар, алломалар хусусида гапириб, Исоқхон Ибрат шахси ҳақида тўхталган ва маърифатпар-вар ҳамюртимиз номини абадий-лаштириш зарурлигини айтган эдилар, — дейди Ўзбекистон Жур-налистлари ижодий уюшмасининг Наманган вилоят бўлими раиси Маҳмуджон Парпиев. — Шу учра-шувдан кўп ўтмай, яъни декабрь ойида туман марказида зиёратгоҳ, музей, тил ўрганиш мактаби ва боғчи ўз ичига олган катта маж-муа лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қисқа муддатда олиб борилган

сий муаммолардан бири эди.

— «Оқтош» маҳалласини «Обод қишлоқ» дастури доирасида қури-лиш ишлари шу йилнинг май ойи-дан бошланди, — дейди Наманган вилояти қурилиш штаби раҳбари Баҳодир Дадабоев. — Аввал бу худуд sanoat зонаси бўлган. Лекин аҳоли турар-жойлари эътибордан четда қолиб кетган. Дастлабки ишни кўп қаватли уйларни таъ-мирлашдан бошладик. Кўчалар ас-фальтадан бошланди. Минимаркет, маиший хизмат ўйи ва футбол майдончаси, 160 ўринли боғча қуриляпти.

Маҳаллада 7,5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида тўқимачилик комбинати, тўқувчилик корхонаси ва алибастр ишлаб чи-қадиган завод каби бир неча ишлаб чиқариш объектларини ўз ичига ол-

тиш, қишлоқ аҳолисининг ижодкор зиёлилар, турли соҳалар мутахас-силари билан бўлиб ўтаётган уч-рашувлар, шунингдек, ўз қишлоғи ва маҳалладорлари билан фахрла-ниш туйғусини мустаҳкамлаш бор-расидаги ибратли тажрибани мун-тазам ёритиб бориш; «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида жойларда амалга оширилаётган ислохотлар ёритилган энг яхши мақолалардан иборат очерклар тўпламини чоп этиш ва ҳоказо.

Ҳа, «Обод қишлоқ» ва «Обод ма-ҳалла» дастурлари моҳиятидаги қишлоқларимиз ва маҳаллалари-мизни обод қилишга оид ишлар давом этмоқда. Демак, журналист-ларимизнинг бу эзгу ҳаракатдаги мақсадлари аниқ — янада фаолроқ ва ғайратлироқ бўлиш.

► Хориж тажрибаси

“Петербургский дневник” — Санкт-Петербург шаҳар ҳукумати-нинг расмий газетаси 100 минг нусхада чоп этилиб, бепул тарқатилади. Газета яқинда янги қиёфада саҳифаланиб, муштарийларга тақдим этилди. Унинг замонавий кўриниш ва ўқиш учун қулай нашрга айланишида, табиийки, бош муҳаррирнинг ҳиссаси катта. Сўхбатдошимиз — Кирилл Смирнов газетанинг бош муҳаррири, Герцен номидаги Педагогика университети тамомлаган. Кейинчалик Давлат бошқарув академиясида аспирантурада ўқиган.



Назира ҚУРБОН

— Кирилл Борисович, аввало “Петербургский дневник” газетасининг янги тузилмаси, шаклининг ўзгаришида тахририят томонидан бажарилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Бу ерда 2017 йилнинг октябридан бери ишлайман. Санкт-Петербург ҳукумати Матбуот қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимида ишлаб юрганымда раҳбарият мени газета ва сайтни замонавийлаштириш учун бу ерга юборди. 2018 йил февраль ойида газетани янги шаклда чиқардик. Газета А2 форматдан А3 билан А4 формат ўртасидаги шаклга келтирилди. Бу ўқиш учун анча қулай.

Шунингдек, биз “Ҳокимият”, “Шаҳар афсоналари”, “Капитал”, “Урбанистика”, “Маърифат”, “Маънавият” каби янги руқналар очдик. Бундан ташқари, муаммони таҳлилий ўрганиш ва кечиктирмасдан ечимини топишни ўзимиз учун асосий мақсадга айлантирдик. Эндиликда журналистлар муаммони шунчаки кўтариб қолмай, балки ҳокимият вакиллари билан фикри, нуқтаи назари орқали ечим топиш йўллари-ни қидиришади.

2017 йилнинг октябрь ойидан газета сайтини Матбуот қўмитаси орқали қайта рўйхатдан ўтказдик, 2018 йилнинг 2 апрелидан сайтни тўлиқ ишга туширдик, энди муастакл ОАВ сифатида фаолият юрита-япти. Биз материалларнинг мазмунига қараб газета ёки сайт учун йўналтирамиз. Ҳозирча шундай. Келгусида интернет на-шририми учун умуман муастакл тахририят ташкил қилмоқчимиз.

— Демак, ҳозир битта тахририят икки “фронт”да ишлаяпти экан-да, шундайми?

— Ҳа. Аммо, бизда штатлар жадвали иккита, фақат газета ва электрон вариант учун бош муҳаррир бир киши. Шунинг-дек, яқин орада газетанинг мобил илова-сини ишга туширамиз. Шаҳар ҳукумати-га расмий ОАВ сифатида давр билан қадам-бақаддам бориш, замонавий босим билан тенг ишлашни кўрсатиш биз учун муҳим. Муассисларимиз бизнинг олдимизга ах-борот оқимини тўғри йўналтириш вази-фасини қўйган. Газетанинг босма кўри-ниши кўпроқ давлат хизматчиларига мўлжалланган. Ўқувчиларининг ёши кир-дан юқори. Сайт эса 40 ёшга бўлган ёшларни ўз атрофига бирлаштиради. Сайтни ўзгартириш натижасида биз

“Мақсадимиз — муаммоларни таҳлилий ўрганиш”

100 минг нусхада чоп этилиб, текин тарқатиладиган газета бош муҳаррири билан сўхбат

мақсадли аудиториямизни ҳам белгилаб олдик. Аввал сайтимиз мухлислари 55 ёшдан юқори бўлган. Энди у сезиларли даражада ёшарди. Шунингдек, муассис-миз биздан кўпроқ муайян ҳудуд ҳаётини ёритишни талаб қилади. Мақсадимиз аниқ мазмунни акс эттиришга қаратилган, одамлар сайнга кирганда Санкт-Петербург ва бутун Ленинград вилоятидаги сўнгги воқеа-ҳодисалар ва муаммолар ҳақида ха-бардор бўлишларини таъминлашдан ибор-ратдир.

Ижтимоий тадқиқот натижаларини ку-затиб борамиз. “Петербургский дневник” газетасининг рейтингини ошириш биз учун жуда муҳим. Шу йилнинг февраль ойида Санкт-Петербургдаги ОАВлари ўртасида газетамиз тўққизинчи, апрелда — учинчи, май ойида эса тўртинчи ўрин-ни эгаллади. Ўртача кўрсаткич — еттинчи ўрин. Бу “Фонтанка.ру”, “47 регион”, “Лен-та.ру” каби шаҳарнинг барқарор, оёққа турган 20 та ОАВ ичидаги натижа. Аммо бу бизни қониқтирмайди. Олдимизга қу-ли учталиқ кириш вазифасини қўйган-миз.

— Газетангиз рақобатга бардош беради, деб ҳисоблайсизми?

— Агар ижтимоий-сиёсий нуқтаи назар-дан қаралса, албатта, биз ягона эканли-гимизни айтиб ўтиш жоиз. Нашр, аввало, адабнинг катталиги билан ажралайди ту-ради. Ҳозир 100 минг нусхада чоп этила-ди ва бепул тарқатилади. Ҳафтада уч мар-та чиқади. Ваҳоланки, қайта ишга тушу-рилгунча ҳафтада беш марта чоп этилар-ди. Яна ўша даврийликка қайтмоқчимиз.

— Газета шаҳар ҳукумати наشري бўлгани учун турли эксклюзив ахборотларни олишда бошқаларга қара-ганда энгилликлар борми?

— Мен шундай бўлишни жуда хоҳлардим, афсуски ундай эмас. Тўғри, авваллари эксклюзив ахборот фақат бизга бериларди. Ҳозир бир қисмини олаёқчимиз. Бундай ах-боротлар кўпроқ рейтинг бўйича биз-дан олдинда турган ОАВга берила-япти. Вазият шунини тақозо қилади. Аммо келгусида, ҳар қандай шаро-итда ҳам ахборотни биринчи олиш-га эришишдан умид қиламан.

— Газетата муаммоли мавзуларга эътибор қаратиладими? Бирор бир аниқ йўналишлар борми?

— Аслида, газета Петербург ҳуку-мати томонидан ўтказиладиган тад-бирлар билан боғлиқ воқеаларни ёритишга мўлжалланган, бу қайси-дир даражада, ўқувчи учун зерикар-ли. Шунинг учун газетани оммавий қилмоқчимиз. Уни ўқишни қилиш, рейтингга юқори поғонага кўтариш учун, илоҳи борица, барча соҳалар-ни қамраб олишимиз зарур. Бугунга келиб, Маданият мавзусидаги мате-

тортади, одамлар қизиқсиниб сайтга ки-ради, ўқийди. Асосий вазифамиз ҳам ас-лида шу.

— Нашрининг ҳукумат таъминотидан ташқари, яна қандай молиявий ман-балари бор?

— Албатта, реклама тушумлари. Газе-тамизнинг битта сониди 40 фоиздан ортқ реклама беришга қонуний ҳаққимиз йўқ, бўлмаса...

— Инфографикадан фойдаланасиз-ларми?

— Албатта, фойдаланамиз. Аммо, унга ружу қўйганимиз йўқ. Бу йил тахририят-мизга махсус арт-директорни ишга олдик. Ҳар бир сонинг қандай кўринишини, шу-нингдек, инфографика ёки шунга ўхшаш чизмадан фойдаланиш масалаларини у белгилайди. Биз ўқувчиларимизнинг эътиборини тортиш, келгуси сонга қизи-қиш уйғотиш мақсадида янги сонда нима чиқишидан хабардор қилиб борамиз ва кўзга ташланадиган сарлавҳалар, матндан парчалар чоп этамиз, айрим мақолалар-нинг дилтортар жойларидан парчаларни йирик шрифтларда метрода, дўконларда

риктирилади. Бу кадрларни ихтисосла-шиш ва универсаллаштишига боғлиқ ма-сала сифатида эътиборимиз марказида туради. Аввал иккита катта умумий бўлим бўлиб, уларнинг бўлиниши шунчаки шарт-ли эди. Бугун ҳар бир журналистнинг, бошқа ҳамкасбига нисбатан, яхшироқ би-ладиган ва яхшироқ ёза оладиган соҳаси, мавзулари бор. “Муаллифлик журналис-тикаси”га келсак, газетанинг ўз ишқибоз-лари кўп, биз ҳозир уларга кўпроқ жой ажратишга ҳаракат қилаямиз. Шунингдек, бир неча колонка шаҳар ҳукумати аъзола-ри, жамоатчилик вакиллари, мусиқачилар учун ажратилган. Чунки, улар ўз қарашла-рига, ўз ёндашуларига эга. Умуман тур-ли соҳа вакиллари миқдор бериш, улар-га имконият яратиш, менимча, ўқувчи учун қизиқ.

— Журналистларни бошқариш, сизнингча, қийинми?

— Табиий, журналист — ижодкор киши. Ҳар доим ҳам темир интизомни хуш кўрмайди. Мен ҳам улардан ҳар куни соат 9 дан 18 гача иш жойида бўлишни талаб қилмайман. Аммо, ҳамма жойда интизом

риалларни сезиларли даража оширдик. Умуман, чоршаба кунлари чиқадиغان сон-ининг деярли барча саҳифалари мада-ний мавзуларга бағишланяпти. Ўз-ўзидан ижтимоий ҳаёт, соғлиқни сақлаш тизи-мини ҳам фаол ёрита бошладик.

Шунингдек, ўқувчиларимиз иқтисодий соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиш-лари учун улар осон тушунадиган тилда ёзишга ҳаракат қилаямиз. Чунки, наشري-мизни метрода, автобусда ёки бошқа жа-моат жойларида кўпроқ ўқишади. Таби-ийки, шаҳар аҳолисининг диққат мар-казида бўлган устувор мавзулар кун тарти-бини белгилайди. Бундан ташқари, таъ-лим мавзусига оид махсус саҳифамиз бор. Унда таълимдаги янгиликлар ёритиб бо-рилади.

— Ахборот ишлаб чиқарувчилар — бошқача айтганда, ижодий жамоа ҳақида гапириб берсангиз.

— Ижодий ходимлар сони ўн тўрт на-фар. Штатда турмайдиган, аммо мунта-зам ёздаги наشريлар сони ўн беш киши. Бе-восита сайт билан эса ўн ходим шўғулла-нади. Жамоамиз ўртача 70 нафарни таш-кил қилади.

— Биз сайт билан танишмизда кўпгина мақолаларнинг сарлавҳалари шов-шувли характерга эга эканига гувоҳ бўлдик.

— Даврининг талаби шу. Агар жуда од-дий ёки одатий сарлавҳа қўйсақ, ҳеч ким ўқимайди. Айнан сайт бўйича статистик маълумотларга назар ташласак, кечанинг ўзида 55 минг киши сайтимизга кирган, ўтган куни эса бу кўрсаткич 47 мингни ташкил қилган. Бу 100 минг ўқувчимиз қаторида яна 50 минг нафар сайтимизга кирувчилар бор, дегани. Тўғри айтдингиз, баъзи сарлавҳаларимиз жуда эътибор

элон қилиб борамиз. Чунки, газета ва унда чиқатган материаллар ҳақида қисқа вақт ичида кўпроқ ахборот беришимиз ке-рак.

— “Петербургский дневник” газе-таси метродан ташқари яна қаерларда тарғиб қилинади?

— Петербург — кўп тармоқли марказ. Барча давлат органларида, ташкилот ва йирик корхоналарда, олий таълим муас-сасаларида газетамизни тарқатиш учун махсус устунчалар ўрнатилган. Албатта, бир қисми темирйўл вокзали ва Пулково аэропортида ҳам тарқатилади.

— “Санкт-Петербургские ведомос-ти” газетасини ўзингизга рақобатчи деб ҳисоблайсизми?

— Менимча, уларнинг ўз обуначиси, агар айтиш жоиз бўлса, тарихий шакл-ланган ўқувчилари бор. Обуна масаласи-га келсак, биз улардан анча, ҳатто ўн ба-рбар олдиндамиз. Лекин, у газета анча консервативроқ, Шу билан бирга, наشري-нинг бренди — Пётр I давридан чиқиб келаётган отахон газета сифатида ўз сўзи-га ва ўрнига эгаллигида.

— Бошқа шаҳарларда чоп этилади-ган нашрларни ҳам кузатиб борасиз-ми?

— Албатта. Бу ўз сўзимизни, қиёфамиз-ни топишда кўп келади, яъни ўзимизга хос услуб яратамиз. Биз Москва нашрла-рини кўпроқ ўргандик. Шунингдек, бошқа ҳудудлардаги газеталарни тадқиқ қилдик, ҳатто диққатимиздан Ироқ газеталари ҳам четда қолмади. Аммо улардан ўрганади-ган нарса камроқ экан.

— Газетангизда “муаллифлик жур-налистикаси” қай даражада ривож-ланган?

— Бизда журналистлар бўлимларга би-

жуда муҳим. Ўзим ҳар куни эрталабдан иш жойимда бўлишга ва иш жараёнини кузатишга ҳаракат қиламан. Бизда вази-фалар қайда қилиб бориладиган электрон жадал бор: ким қаерга кетгани, кимнинг қандай мавзу билан бандлиги текшири-либ борилади.

Қолаверса, менга ҳар ҳафта сатрлар ва белгилар бўйича маълумотлар еткази-либ турилади. Ҳар бир журналистнинг бажариши керак бўлган иш меъёри бор. Бу ойига ўртача 30 минг белгини таш-кил қилади. Агар ҳодим мунтазам ра-вишда ўзига бириктирилган меъёрни бажармаса, у билан хайрлашишга тўғри келади.

— Асосий фаолияти шаҳар аҳоли-сига долзарб хабар, ахборот етказиш бўлган жамоангиз яна бошқа лойиҳа-лар билан ҳам шўғуланадими?

— Аввало, шаҳарда ўтказилган турли даражадаги ва аҳамиятдаги тадбирлар-ни ахборот етказувчи сифатида қўллаб-қувватлаймиз. Мақтаниш эмас, бизнинг гоёмиз асосида ташкил қилинган энг ёрқин лойиҳа — “Қўйлаётган кўприклар”-дир. Шаҳар кунда петербургликлар ва меҳмонлар жонли мусиқа садолари ости-да кўприкларнинг очилишига гувоҳ бўла-ди. Чироқлар устунига қучли овоз бера-диган кичкина колонкалар ўрнатдик. Яна бир катта лойиҳада қатнашяпмиз. Биз уларнинг ахборот ҳамкоримиз.

— Ўзбекистондаги газеталар ва ижодкорлар билан ҳамкорлик қилган бўлардингиз?

— Қанийди! Газетамизда ёки сайтимиз-да Ўзбекистонга оид қизиқарли воқеалар ҳақида ахборот бериб борсак, жуда хур-санд бўлардик. Балки келгусида ҳамкор-лик қилармиз.

Муаммо ва ечим

► Худудий нашрлар

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 33 газета ва 3 журнал чоп этилади. Улар мамлакатимиз, хусу-сан, Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар аҳамияти, рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлар мазмун-моҳиятини тезкор ва таҳли-лий асосда ёритиш борасида муайян ютуқларга эришиб келмоқда.

Бирок, соҳада олиб бо-рилган мониторинг натижа-лари худудий нашрларнинг аксариятда бир қатор му-аммолар борлигини кўрсат-ди. Аввало, уларнинг омма-боллиги етарли даражада эмас, обуначилар сони кам. Бу ўз-ўзидан иқтисодий қи-йинчиликларга сабаб бўлади.

Ҳўш, худудий нашрлар адади ва ўқувчилар сонини кўпайтириш учун нималарга эътибор бериш керак? Иқти-содий барқарорликка эри-шиш учун нашрлар қандай чора-тадбирларни амалга ошириши зарур?

Абу Али ибн Сино номи-даги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида “Худудий босма нашрлар ҳолатини яхшилаш бўйича так-лиф ва тавсиялар” мавзусида ўтказилган семинар-тренинг-да шу каби саволлар атроф-лича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон муастакл бос-ма оммавий ахборот воси-талари ва ахборот агентлик-ларини қўллаб-қувватлаш ва

ривожлантириш жамоат фон-ди, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкор-лигида ташкил этилган тад-бирда вилоятдаги нашрлар ва фуқаролик жамияти инс-титутлари вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Муаммо ҳақида гап борар экан, тадбирда худудий нашрлар бундан кейин ҳам яшаб қолиши учун ўқувчига зарур ва қизиқарли матери-алларни чоп этиши, аксин-сича, интернет ва бошқа ман-балардан олинган турли асосиз материаллардан воз кечиш лозимлиги таъ-кидланди.

Худудий нашрларда ахборотларни тайёрлаш, жур-налистик суриштирув ўтказиш, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар-нинг бориши юзасидан жа-моатчилик назоратини ўрна-тишда оммавий ахборот во-ситаларининг роли, ижод-корнинг касб этикаси та-моийллари хусусида фикр

алмашилди. Нашрларда қонун ҳужжатлари номи ва норма-ларига доир маълумотларни беришда расмий манбалар-дан фойдаланиш, шунинг-дек, ахлоқ-одоб мавзулари-ни ёритишда тегишли ҳу-қуқий ҳужжатларда белги-ланган меъёрларга риоя қилиш лозимлиги ҳам ало-ҳида таъкидланди. Шу ўрин-да Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томони-дан 2017 йил ва 2018 йил-нинг ўтган даврида мамла-кат бўйича “қоидабузар” нашрларга нисбатан 200 дан ортқ кўрсатма ва тақдиму-нома киритилгани маълум қилинди. Улар орасида Бу-хоро вилоятидаги оммавий ахборот воситалари ҳам бор.

— Очик мулоқот тарзида ўтказилган семинар-тренинг барчамиз учун фойдали бўлди, — дейди “Коровул-бозор тонги” туман газете-ча, интернет ва бошқа ман-балардан олинган турли асосиз материаллардан воз кечиш лозимлиги таъ-кидланди.

Худудий нашрларда ахборотларни тайёрлаш, жур-налистик суриштирув ўтказиш, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар-нинг бориши юзасидан жа-моатчилик назоратини ўрна-тишда оммавий ахборот во-ситаларининг роли, ижод-корнинг касб этикаси та-моийллари хусусида фикр

► Сарҳисоб



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Шарқ” нашриёт-мат-баа акциядорлик комп-аниясининг 9 ойлик фаолияти, эришилган ютуқлари сарҳисоби ва истиқболдаги режа-лари муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

“Шарқ” НМАК мамлака-тимиздаги энг йирик ноширлик корхонасидир. Унда барча турдаги полиграфия маҳсулотлари юқори сифатда, жаҳон андозаларига мос ҳолда ишлаб чиқарилади. 100 га яқин марказий газета, 40 дан ортқ журнал чоп этилаётган компанияда ўтган 9 ой мобайнида 54,3 миллион нусхада газета, 2,4 миллион нусхада журнал чоп этилди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ҳар йили нашриёт томонидан 150 дан ортқ номдаги 500 минг нусхадан зиёд бадиий, илмий-оммабоп,

“Шарқ” нашриёти: саҳиҳликда ҳикмат кўп

диний-маърифий, энциклопедик ҳамда болалар ва ўсмирлар адабиёти чоп этилади.

Ахбор АҲМЕДОВ, “Шарқ” НМАК Бош тахририяти Бош муҳар-рири:

— Нашриётимизда ҳар йили қўллаб номдаги адабий-бадиий асарлар нашр этилади. Шунинг-дек, нашриётимиз дарс-ликлар чоп этиш бўйича ҳам пешқадамдир. Бирги-на шу йилнинг ўзида Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълими вази-рликлари биортомас асосида 9,48 миллион нусха дарслик ва 750 минг нусха ўқув дафтар-лари чоп этилди.

Жорий йилнинг 9 ойида компаниямиз томонидан товар ишлаб чиқарилиши ўтган йил-нинг шу даврига нисба-тан 172,4 фоизга кўпайди, товар маҳсулотларининг сотилиши 191,3 фоизни ташкил қилмоқда.

Эркин МАЛИКОВ, “Шарқ” НМАК диний-маърифий адабиётлар бўлими бошлиғи:

— Жорий йилнинг 9 ойида 30 дан ортқ ди-

ний-маърифий адабиёт-ларни нашр этдик. Улар-дан “Бахтли оила” китоби-нинг 20 минг, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳам-мад Юсуф ҳазратларининг “Тафсири ҳилол” аса-рининг 15 минг нусхада чоп этилиши қувонарли ҳол, албатта. Нашриётимиз йил якунига қадар яна 30 дан ортқ китоб чоп этишни режалаштирмоқда.

Очик айтиш керак, бугунги кунда баъзи нашриётларимизда диний-маърифий адаби-ётлар тахрири бўйича мутахассисларнинг йўқли-ги сабаб хатоликларга йўл қўйилмоқда. “Аллоҳ”, “Пайгамбаримиз Муҳам-мад” сўзларини кичик ҳарф билан ёзилиши каби ҳолатларнинг мавжудлиги ачинарлидир. Диний адабиётлар нашр қилини-шидан аввал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада кўриб чиқилади ва оятлар, ҳадислар, суралар саҳиҳлиги текши-рилади. Аммо кўпгина нашриётларимиз Қўмита тасдиқлаган адабиётлар-ни имловий, стилистик, грамматик томонлама тахрир қилмасдан нашр

этноқда. Шу боис ҳар бир нашриётда бу каби мута-хассислар бўлиши керак.

Носир ЖўРАЕВ, “Шарқ” НМАК Бош тахририяти Бош муҳар-рири ўринбосари:

— Ашқобод шаҳрида ўтказилган XII халқаро китоб кўргазма-ярмарка-сида 24 давлатдан 146 нашриёт иштирок этди. Унда 115 номдаги 300 дан ортқ китоб билан ишти-роқ этган Ўзбекистон павильонига бўлган қизиқиш бошқа давлат-ларга қараганда анча юқори бўлгани сезилди. Айниқса, биздаги қаттиқ муқовалаш тизими хориж-лик ҳамкасбларимиз ва китобхоналарга гоյнда манзур бўлди. Босиб жаҳоннинг кўпгина давлат-лари таннархни арзонлаш-тириш учун юмшоқ шакл-даги муқовалашга ўтган. Бизда янги технологиялар унчалик ривожланмаган-дир эҳтимол, аммо мукам-маллик ва профессионал-лик бор. Ярмарка якунида нашриётимизда чоп этилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энцикло-педияси” иккинчи даража-ли махсус диплом билан тақдирланди. (ЎЗА)

Сожида худди бир нарсадан чўчигандай илкис уйғонди. Дераза пардасини кўтариб ташқарига қаради: ҳали қоронғи. Ховлида супургининг "шув-шув"и эшитилди. "Энам ховли супураятти. Қанча ҳаракат қилсам ҳам энамдан олдин туролмайман-а".

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Сожида шуларни хаёлидан ўтказди-ю, апил-тапил кийиниб ховлига чиқди. Айвон ёнидан ўтадиган ариқчада ювинди. Уриқнинг қонга бўялгандай қип-қизил хазонлари оралаб жилдираб оқаётган типиниқ сув муздай эди. У ювинаркан, ўйларди: "Нимага зардолоннинг барги бунча қизариб кетар экан? Табиатнинг ишларига ҳайрон қолсан-да. Кўм-кўк нарса шунчалик қип-қизил... Онасининг бағридан узилиб кетаётгани учун дили қонмикин? Ажабо, дараклар ҳам одамларга ўхшайди-я..."

Киз ювиниб бўлиб, молхонанинг олдини супураётган онаси томон юриди — Ассалом. — Бунча вахли турдинг, қизим? Онаси самимий айтиди бу гапни, аммо Сожида хижолат бўлди. Ахир, ёши олтимидан ошган онаси эрта туриб ховли супурсаю, у улаб ётса яхшими? — Беринг супургини...

Кампир икки қўли билан белини ушлаб, қаддини ростлади. — Озгина қолди, ўзим супуриб қўя қоламан. Чой кўйганман, қайнаган бўлса, дамлагин.

"Чой ҳам кўйишга улгуриптиларида". Сожида баттар хижолат бўлди, юзлари қизариб кетди, икки чаккасига иссиқ нарса югургандай бўлди...

Нонушадан кейин Сожида этигини кия бошлади.

— Ҳа? — деди онаси ажабланиб. — Чика қолай. — Ҳали вахли-ку. Сал туриб борарсан. Онанинг гапларида кизига ачиниш, раҳм туйғулари мўжассам эди.

— Эртароқ боришим керак. — Шу пайтда далада биров борми йўқми, ёлғиз ўзинг...

Сожида қанорни этакка ўраб қўлтигига оларкан, онасининг гапига қулди:

— Нима, мени бўри ермиди? Ундай десангиз бўриям йўқ. Биззи обод далаларга бўрини бойлаб қўйса ҳам турмайди.

— Ҳазилнинг ҳам бор бўлсин-да, қизим. Сахармалдан шунча гапларни қўйсангиз-чи, — кампир қизига яқин борди. Қандайдир сирли гап айтгандай овозини сарлади. — Ҳар ҳолда эҳтиёт яшида, болам. Бўйи етган қизсан... овлоқ жойга бемаҳалда ёлғиз боришингга кўнглим бўлармиди.

Сожидага онаси ҳозир жуда ҳам меҳрибон, гамхўр кўриниб кетди. У ўзини тутолмади. Онасини шартта кўчоқлаб, арқаланди. Кампир қизининг юзларидан, пешонасидан ўпди.

— Мендан хавотир олманг, энажон. Эртароқ бораё деганим, бугун кечагидан кўпроқ тершим керак. Биласиз, Шаҳодат билан мусобақалашганимиз. Кеча у мендан ўн беш кило кўп терди.

— Ҳа, гап бу ёқда дегин. Шунинг учун хўроз қичқирмасданок туриб олган экансан-да, — кампир муҳим гап эсига тушгандай серкак торти. — Менга қара, Сожида, у дугонангиз синглиши ҳам ёрдам бераётганмиш-ми?

— Билмадим, — деди Сожида. — Нимага билмайсан? Бир жойдан терасизларми ўзи? Синглисия чикяптими терима?

— Ҳа, чикяпти. — Икковини ҳам Шаҳодатга ёзаяптими? Шундай қилсам бўладими? — Билмасам. Бўлса керак-да, қиялпти-ку.

Кампирнинг қовқоқлари уюлди. — Товба? Буниси қизик-ку. Ахир, бу фирромликмасми?! — Унисини билмадим, энажон. Мен тезроқ бораё, вақт кетаяпти...

Сожида қийлоқдан чиқиб, икки томонига қатор тут экилган тупроққа йўлдан илдам кетиб борар эди. У ҳар қадам босганда тунги шудрингда сал намикқан тупроқнинг таниш, дилини қитикловчи хиди уфурар, бунга йўл четидеги туллар, бурганлар бўйи қўшилиб унинг кўнглини яйратар эди. Бу сурур уни яна ҳам тезроқ юришга қистарди. Пахтазорга яқинлашганда туллар орасидан хуштак эшитилди. Юраги шувиллаб кетди. Атрофга аланглади, ҳеч ким йўқ. Хаёлида шундай туюлгандир, деб ўйлади. Уч-тўрт қадам юриши билан яна хуштак чалинди.

— Сожида... Бу овозни, унинг эгасини Сожида таниди: Акрам. Сожидадан юраги гуп-гуп ура бошлади. "Акрам! Шу маҳалда у бу ерда нима қилиб юрипти?"

— Сожида... Бу ёққа кел.

Сожида кўчанинг ўртасида серрайиб қолди. Акрам Сожидадан бир йил олдин мактабни битирган. Улар бир-бирига хат ёзиша бошлаганди Сожида тўққизда, Акрам ўнда ўқир эди. Шунга ҳам икки йилдан ошди. Бу вақт ичда, эҳе, қанча оқ қоғозларнинг юзи қораланди. Иккови ҳам хат ёзаёт-

ганда жуда бурро бўлиб кетар, баъзан шеърлар ҳам тўкишар эди. Аммо онда-сонда хилват жойларда учрашиб қолганда неғадир уларнинг гапи-гапига қовушмас, иккови ҳам, ҳаяжоннинг зўриданми, дилидагини тилига чиқаролмай хайрлашар эди. Учрашувда айтилмаган гаплар яна оппоқ қоғозга битилар эди.

Акрам йўл четидеги увотга чиқди:

— Сожида, бу ёққа кел. — Нима қиламан?... — Санда гапим бор. — Нима қилиб юрибсиз бу ерда? — сўради қиз. Унинг тилига бошқа сўз келмади. — Сенинг йўлингни пойлаб чиқувдим, — йигитнинг овози титраб кетди. — Гап бор эди. — Нима гап экан? — Сожида... Хатда...

Сожида шарт орқасига ўгирилдию, югуриб кетди. Ортдан "Мен сени севаман" деган товуш қулоғига чалинди. Акрамнинг хатларига бу сўзни Сожида кўп ўқиган, аммо ўзининг оғзидан ҳали ҳеч эшитмаган эди. Ҳозир бу сўз гўё жонли бир нарсадар қулоғидан оёғининг учигача жимирлатиб ўтди. Бир зум юришдан тўхтади. Ширин бир нарсанинг мазасини тотгандай кўзларини юмиб олди.

Бугун вужуди бўшашиб кетди. У пахтазорга қандай келганини, қанорни қаерга қўйганини, этагини қачон белига боғлаганини билма-

— Сиз яна биронта одамнинг терганини дугонанинг ҳисобига ёсангиз, тенглашиб қоламиз, — деди Сожида унга қарамай.

— Оббо, сиз-эй, ҳали шунга хафа бўлиб юрибсизми? Хафа бўлманг. Менга қаранг, Сожидахон, сизга бир гапим бор эди.

Сожида жаҳл билан унга қаради. Кўзларини сал қисиб ҳисобчига юзланди.

— Ҳўш, нима гап экан? Қулоғим сизда.

— Биласизми, Сожидахон. Ҳўп десангиз, бугун пахтагизни тортгани хирмонга олиб борганингизда ўн кило-ўн килодан қўшиб ёзаман. Шунда Шаҳодат сизга сираям етолмайди. Розимисиз?

Сожида унинг гапларини эшитиб туриб ўзинча режа тузди. "Нималар деяпти ўзи бу? Нима учун менга гамхўрлик қилгиси кеп қолди? Нимага шама қиялпти?" эрталаб онаси айтган гаплар эсига тушди: "Бўйи етган қизсан. Овлоқ жойга бемаҳалда ёлғиз ўзингни юборишга кўнглим бўлармиди". Сожида Муродилланинг тиржайиб турган башарасига қаради: "Йўқ, сен ўйлаганчалик лақма эмасман!"

— Ростданми? — бирдан қиёфасини ўзгартирди Сожида. — Шундай қиласизми?

— Бўлмасам-чи? Ҳаммаси ўзимнинг қўлимда-ку.

— Яхши бўларди, — деди Сожида ўзини хурсанд бўлгандай тутиб. — Лекин, биласизми, сал оз-да.

— Нима оз? — деб сўради ҳисобчи ховлиқиб.

— Ўн кило оз-да. Йигирма килодан қўшолмайсизми?

Муродилла хурсанд бўлиб кетди. "Худо хохласа иш беш. Йигирма кило бўлса йигирма кило-да. Нима, тушгача бир марта, тушдан кейин яна бир марта тортилади. Қирқ кило пахта нима деган гап. Бошқалардан икки килодан урсам ҳам..."

сиз, Муродилла табелчи. Ҳали унинг сўзини икита қилган мард топилган эмас. Тўғрими?

Ҳалослаганча Шаҳодат етиб келди. Икки дугона кучоқлашиб кўришди.

— Э, ўл, — деди Шаҳодат дугонасига, — мунча ховлиқмасанг. Кечаси шу ерда етиб қолдингми, нима бало?

— Йўқ, дугонажон, бу пахта ни мен терганим йўқ, Муродилла ака териб бердилар. Энди бошқа термайман. Шунга кечгача саккизга бўлиб хирмонга олиб бораман. Ҳар борганимда бу киши менга йигирма килодан қўшиб ёзадилар. Бўлади шу! Қани, етиб қўрчи менга!

Муродилла на кетишини, на қизларнинг суҳбатига аралашини биларди. Жиноят устида қўлга тушган одамдай гарансиз қолди.

— Нималар деясан? Эсинг жойидами ўзи? — деди Шаҳодат дугонасига термулиб.

— Нима, ишонмайсанми? Ана, Муродилла аканинг ўзларидан сўра ишонмасанг. — Сожида табелчига қараб, — Тўғрими? — деб сўради.

Муродилла қилган ишдан минг пушаймон эди. Аммо ундан қандай қутулиши ҳам билмас эди. Гангли ҳазилга бурмоқчи бўлди.

— Дугонангиз жуда ҳазилкаш экан, — деди у Шаҳодатга юзланди. — Тонг саҳарда келиб бир қанорни тўлдириб қўйипти-ю, яна менга ёрдам бериб юборинг, дейди.

Сожида унга яқин борди. Ёжиллашиб қолган йигитлардай икки қўлини белига қўйиб, ҳисобчига ўқтам гапирди:

— Ким ҳазиллашяпти? Ҳозиргина нима деб турувдингиз? Нимага энди латтачайнарлик қиласиз? Кечқурун мен ҳаммадан кейин қолишим керак эди, сиз кузатиб қўймоқчи эдингиз. Энди ҳазил бўлиб қолдингми? — Сожида бироз овозини пасайтириб, қаҳрини янада ошқора изхор этди: — Менга қаранг, ўртоқ табелчи! Мен сиз ўйлаганлардан эмасман! Сизнинг марҳаматингизга зор ҳам эмасман! Шунга иккала қулоғингиз билан яхшилаб эшитиб олинг: дунёда шундай нарсалар борки, уларни ҳалику йигирма кило пахта экан, олтин билан ҳам сотиб ололмайсиз! Бу инсоннинг орияти, номуси, шаъни! Қизларнинг ғурури!

Ҳисобчи томоғига суяк тикилиб қолган лайчадай кўзини лўқ қилиб қолди. У нимадир демоқчи бўлар, аммо на тили буралар, на калласига бир фикр келар эди.

Қизлар эгат оралаб кетишди. Ҳисобчидан узоқлашгач, Сожида бўлган гапни дугонасига айтиб берди.

— Оббо суллох-эй, — деб Муродилла турган жойга қараб қўйди Шаҳодат. Ҳисобчи хирмон томонга шалвираб кетиб борар эди. — Шунча бемаъна эканми бу ўлғур-а?

...Чошгоҳгача дугоналар зўр бериб теришди. Сожиданинг қаторида учта, Шаҳодатнинг қаторида эса иккита қанор тик турар эди.

— Сожи, — деди Шаҳодат, — бугун мунча қўйиб-пишдинг, ёнверингиз қарамайсан ҳам. Ана у ёққа қарасанг-чи.

Сожида нима гап дегандек, Шаҳодат кўрсатган томонга назар ташлади. Ариқнинг нариги бетидеги картада терим машинасини кўрди. Унинг рулини Акрам бошқариб борар эди. Йигитнинг ҳаракатлари эпчил, қаққон. Қизик, қизга бир оғиз гапни эплаб гапиролмаган йигит қудратли машинани чаптастик билан ҳайдаси.

Ҳозиргина ҳисобчига ўқтам-ўқтам гапирётган Сожида бирдан мулойим тортиб қолди. Индамай ерга қараганча пахта теришда давом этди. Қўллари ўзига бўйсунмагандай, ихтиёрсиз бориб келарди.

— Айт, бир бункерини тўқсин, икковимиз бўлиб оламиз, — деди Шаҳодат ҳазиллашиб.

— Э, ўл, бас қил, — Сожида дугонасидан уч-тўрт эгат нарига ўтиб кетди...

...Икки дугона кун бўйи терган пахтасини тортирмади. Шом бўлиб, одам одамни танитай қолганда бригада йигитларидан илтимос қилиб хирмонга олиб боришди. Ҳисобчи уларнинг пахтасини тортар экан, иккала қизнинг ҳам юзига қарай олмасди.

Қизлар пахталарини тортириб, хирмонга тўқинди. Қанорларини этакка ўрашди. Сожида дугонасига аста кўзини қисди-ю, табелчига яқин борди.

— Мен ҳам кетаверайми, Муродилла ака? Ё ўзингиз кузатиб қўясизми?

Муродилланинг аъзойи бада ни титраб кетди. Сожиданинг эрталабчи гапидан ҳам бу ошиб тушди. У шу пайтгача бунчалик изза бўлмаган эди. Хайратки, бу гапни ҳув нарида турган бригадир билан хирмончилар эшитишмади.

Қанор ўралган атакни елкасига ташлаб олган қизларнинг шодон қулгуси назомшоҳ қаърини ўраб, кенг дала бўйлаб ёйилди. Улар орасида тиник, жарангдор бир қулгу алоҳида, баландроқ эшитилди.

Бу — Сожиданинг қулгуси эди.

► Ҳуқуқий маслаҳат

— Бир ойлик ҳарбий хизмат учун тўлов тўлиқ тўланса-ю, фуқаро хизматга яроқсиз, деб топилса, тўланган пулни қайтариб олиш тартиби қандай бўлади?

С. Анваров, Навоий шахри

— Қонунчиликка мувофиқ, пул бадалларини тўлаган, бироқ ҳарбий йиғинлардан ўтмаган сафарбарлик қақруви резерви хизматчисига тўланган маблағлар, агарда у ҳарбий хизматга яроқсиз, деб топилганда ва унга тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан 27 ёшгача I, II ёки III гуруҳ ногиронлиги берилган ҳолатда қайтариб берилади.

Бунда ушбу шахс ТМЭК хулосаси ва Махсус ҳисоб рақамига бадаллар ўтказиш тартиби тўғрисидаги томонларнинг имзолари қўйилган шартноманинг нусхасини илова қилган ҳолда (ҳарбий ҳисобга қўйилган жойидаги) мудофаа ишлари бўлими бошлигининг номига тўланган пул бадалларини қайтариш ҳақида (тўланган пул суммасини кўрсатган ҳолда) ариза беради.

Мудофаа ишлари бўлими, мудофаа ишлари бошқармасидан Махсус ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушгандан сўнг (пул маблағини келиб тушиши билан боғлиқ таомиллар 9 иш кунига амалга оширилади) уч кун муддатда пул маблағларини қандай тартибда тўланган бўлса, ҳудди шу шаклда қайтариб беради (нақд тўланган бўлса нақд шаклда, пул ўтказилган бўлса пул маблағларини тегишли ҳисоб рақамга ўтказилади).

— Уйимизнинг ҳужжатларини йўқотиб қўйдик, қайта олиш учун нима қилишимиз керак?

Ж.Темиров, Қорақалпоғистон Республикаси

— Кадастр йиғмажилди йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келганда унинг эгасининг аризасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали архивиде сақланаётган кадастр йиғмажилдининг мулк эгасига тегишли қисмларидан нусха олинади. Ушбу нусхалардан иборат кадастр йиғмажилдининг ҳар бир варағига туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси раҳбари томонидан аслига тўғри деган ёзув киритилади ва имзоланади ҳамда ариза келиб тушган кундан бошлаб икки иш кун ичида эгасига топширилади.

— Деҳқончилик қилиш учун ер олдик, кадастр ҳужжатлари учун қанча ҳақ тўланади?

Ж.Отажонов, Хоразм вилояти

— Деҳқон ҳўжалигининг кадастр ҳужжатини тайёрлаш ва расмийлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатганлик учун 230 минг 375 сўм тўлов ундирилади.

Саволларга Адлия вазирлиги мутасаддилари жавоб берди.

ТАРОЗИ

ди. Этаги яримлаб, пахтанинг оғирлиги сезилгандагина ўзига келди. Шудринг кўнган оппоқ пахта, очилмаган кўм-кўк кўсагу ўзапонинг намхуш хидини ҳам энди туйди. Ўзидан ўзи уялиб, атрофга аланглади. Шабнам ҳали кўтарилмаган, кенг пахтазор жим-жит. "Жинниман мен, эртароқ келиб пахта териш ўрнига..." Шу топда қулоғи остида "мен сени севаман" деган титроқ товуш яна эшитилгандай бўлди. Беихтиёр тутзор томонга қаради. Ҳеч ким йўқ. "Ўзингни қўлга ол, Сожида. Вақт кетаяпти. Бугун ҳам орқада қолсанг уят!" унинг нозик бармоқлари шудринг тушган лўпчи пахтазарга эпчил бориб келар эди. Ҳаш-паш дегунча этаги тўлди. "Қанорни қаерга қўйдим? Э, ўл..." Қанорни қидириб кетди. Ҳақариқ бошида экан. Этагини унга бўшатди-да, эгат оралаб жадал кетди.

Тонг ёришиб, одамни одам танийдиган бўлганда ўқариқ бошидаги қанор тўлай деб қўлдан эди. Сожиданинг этаги яна тўлди. Уни ечиб олдида, қаддини ростлади. Шаҳодат келмадимикан, деган хаёл билан ён-атрофга қаради. Ҳеч ким кўринмайди. "Ё бошқа картада тераяптикин? Йўғ-е, бунга тамомламай бошқача ўтишга бригадир рўхсат бермайди-ку. Балки синглисия ишониб... шошилмай келса керак-да". Оппоқ очилган пахта юзида бир томчи шудринг милдираб турар эди. Сожида ўша пахта ни авайлаб қўлига олди. Ҳар чанокдаги юлдуз қирраларидек бешга ажралиб турган пахтага термулиб халға толдди. "Ҳозир мен тереётган мана шу пахтадан нималар қилар экан? Балки қайсида ўлжадаги нотаниш бир тенгдошим қўйлак қияр? Эҳтимол, мана шу пахта кимнингдир ярасига малҳам бўлар? Қизик! Дунёнинг ишларига ҳайрон қолсан одам... Ҳа нотаниш дугонанг устидеги кийимнинг пахтасини Сожида деган бир киз терганини билармикан? Қаёқдан болсин? Балки менинг устимдаги мана бу жемперни ҳам аллақайси мамлакатдаги менга ўшаган бир киз тўқигандир? Одамлар бир-бирини кўрмай, танитай, ҳатто қанача эканлигини тасаввур ҳам қилмай бири иккинчисига ёрдам беради-я. Лекин ҳаммаша бирга юрадиган, бир ариқдан сув ичиб, бир хаводан нафас оладиган одамлар баъзан бир-бирига ёрдам беришни, яхшилик қилишни истамайди. Қайтанга оғзидан чалади. Қизик экан-да, одамзотнинг феълиям".

— Э, ҳорманг, ҳорманг, Сожидахон. Ҳалидан бир қанорни тўлдириб қўйибсиз-ку.

Сожида илон қаққандай сапчиб турди. Қўлидаги лўпчи пахта ерга тушиб кетди. Рўпарасида Муродилла турар эди. Ҳўттиз ёшларни қоралаб қолган, паст бўйли, семиз бу йигит уч йилдан бери ҳисобчи бўлиб ишларди.

— Бугун дугонангиздан ўзиб кетаркансиз-да, Сожидахон?

Бугун кечқурунга таклиф қилсаммикан? Ҳўп, дермикан? Ҳўп демай ҳам кўрсин-чи!

— Бўпти. Мен розиман. Сиз учун йигирма кило пахта-нима, бўпти? Лекин ҳеч кимга айтмайсиз-а?

— Албатта-да. Кимга айтардим, — деди Сожида муғомбирона. — Ҳа айтгандай, бу ёқда нима қилиб юрибсиз?

— Менми? Ҳар кун эрталаб одамлар теримга тушгунча далани айланчи қураман, қайси картани олдин териш кераклигини аниқлайман.

— Шундайми? Мен бригадир кўрса керак, деб ўйлардим, — деди Сожида соддалик билан.

— Э, қизик экансиз, Сожидахон. Бригадир нима? У шунчаки, номига. Ҳамма ишни мана биз ҳал қиламиз-да. Бўлмаса сизга қўшимча пахта ёзишинг ўзи бўладими? Айтгандай, Сожидахон, яна бир гапни айтиш эсимдан чиқаёзибди. Кечқурун ҳамма билан баравар кетиб қолманг. Ҳўпми? Мана, эрталаб ҳаммадан бурун келсангиз, кечда ҳам энг кейин қайсангиз, шунда ҳаммадан кўп терганингиз ишончи бўлади. Тўғрими? Қоронгу тушиб қолишдан қўрқманг. Ҳўпми? Қўяман. Келишдикми?

Сожида ҳисобчининг без бўлиб турган кўзларига қараганча ўйларди: "Ҳа, тулкак, ниятинг маълул! Акрамга айтсаммикан? Йўқ, ўзим бўлайман бу суллоҳни". Унга сир бой бермади.

— Бўпти, келишдик, сиз бораверинг, биронта кўриб қолса гап-сўз қўяяпти. Ваъдангиз эсингиздан чиқмасин-а. Ҳар борганимда йигирма килодан қўшасиз. Тушгача тўрт марта, тушдан кейин тўрт марта олиб бораман, майлими?

Ҳисобчи гангиб қолди. "Саккиз марта? Демак, бир юз олтимиз кило! Э, таъба, мен шунча ёзсам, ўзи юздан ошириб терса. Ҳаммаси қанча бўп кетади? Унинг устига, кеча бир юз йигирма кило терган қиз бугун бирдан уч юздан ошириб юборса. Ким ишонади бунга? Расво бўлди-ку, бу ёғи. Энди нима қилиш керак?"

Муродилланинг ўйлашиб қолиш сабабини тушуниб етган Сожида билмаган бўлиб қол бошлади.

— Ҳа, Муродилла ака, ўйлашиб қолдингиз? Бир нарсга демоқчисиз-ю, айтолмайсангиз-а? Тўғрими?

Муродилла чайналик қолди. Кўнгидагини айтди деса, ҳозиргина "ҳамма ишни ўзимиз ҳал қиламиз", деб керилиб қўйди. Фикридан қайтмай деса, бу ёғини эгшлаш осон эмас.

— Сожи-и-да. Қартидинг нариги бошида Шаҳодат кўринди. Сожида уни бу ёққа кел, деб имлаб қақирди.

— Мен бора қолай бўлмаса, Сожидахон, — Муродилла оёғи қуйган товуқдай типирчилаб қолди.

— Ваъда ваъдами? — Сожида атайлаб гапни чўзар эди. — Қайтиш йўғ-а? Бунинг устига, сиз ким-

► Божхона бекати

"ЯШИЛ" ЙЎЛАҚДА АНТИРАДАР

Давлат Божхона қўмитаси Ахборот хизмати хабар беришча, "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан И.Каримов номидаги "Тошкент" ҳалқаро аэропортида навбатдаги божхона қонунбузилиш ҳолати аниқланди.



Жумладан, "Сеул — Тошкент" йўналиши бўйича учиб келган Ё.С.нинг безовталаниши божхоначиларнинг эътиборини тортиди. Фуқаро "яшил" йўлак орқали ҳаракатланиб, божхона назоратидан ўтаётган вақтида унга тегишли бўлган қўл юки ва багажлари бўлим ходимлари томонидан белгиланган тартибда холислар иштирокида кўздан кечирилди.

Натижада, унинг юклари орасида божхона назоратига тақдим этилмаган ва ёзма равишда декларацияланмаган, хорижда ишлаб чиқарилган 240 дона антирадар қурilmалари борлиги аниқланди.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ПОРОХ!

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари "Нукус" темир йўл вокзали атрофида ўтказилган тезкор тадбирда қонунбузарларнинг қилмишини фош этишди.

Фуқаролар А.Н ва О.С 5 та "Миф 3в1" ёзувли картон қутига жойланган 2,

Чоршанба ўғитлари

Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмамай

Юртимиз қадимдан илму маърифат маркази, тамаддун чорраҳаси бўлиб келган. Ушбу табаррук заминдан дунёга илму ирфон зийнесини таратган буюк алломалар, мутафаккирлар етишиб чиққан. Улар илм-фаннинг кўплаб жабҳаларига асос солиб, жаҳон тамаддунининг шонли маъғи бўлиб келган. Албатта, бунга ажодларимиз муқаддас динимизнинг илм эгаллашга доир кўрсатмаларини ҳаёти шорига айлантиргани сабаб бўлган.

Нуриймон АБУЛҲАСАН

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Дин ишлари бўйича
қўмита раисининг ўринбосари

Бобокалонларимиз илми дунёвий ва динийга ажратмаган. Икки дунё сводатини диний ва дунёвий илмларнинг уйғунлигида билган. Аслида, инсоният илмининг тарихи ҳам шуни исботлайди. Қачонки, мусулмонлар диний ва дунёвий илми баробар эгаллаганида халқларнинг энг пешқадами бўлган. Шунинг учун ҳам исломнинг илмига доир тарихини ўрганган инсон унинг зарварларида барча жабҳаларда ўз даврининг дурдонаси бўлган қомуший олимларнинг муборак номларини топади.

Қуръони каримда ҳам илм олиш ва уни тарқатишга оид кўп кўрсатмалар учрайди. Ушбу буюк калоннинг илк ноил бўлган ояти ҳам айнан илм олишга тарғиб — "Уқил" чақирғи билан бошланган. Қуръони каримда "илм" сўзи турли шаклларда 768 марта таби ишлатилганининг ўзидан ҳам динимизда илмнинг ўрни бекиёс эканини англаш мумкин.

Шунинг учун ҳам илмнинг дунё-ю охирадаги фазлини англаган, 600 минг ҳадисни санаси билан ёддан билган, шулардан фақатгина 7 мингдан ортқроқ энг ишончлисини ўз китобида келтирган буюк муҳаддис, ҳадис илмининг чироғи Имом Бухорий ҳазратлари "Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ, бўлмайдими", деган хулосага келганлар.

Динимиз илми инсоннинг икки дунёсини обод қилиш учун восита қилди. Ҳадиси шарифларда охирагини, деб дунёсини, дунёси учун охирагини ташлаб қўймаган инсон Аллоҳга энг суюкли банди сифатида тараннум этилади. Муқаддас ислом динимизнинг амри ҳам шу. Буни биз Имом Бухорий ўз саҳиҳларида ривоят қилган: "Илми агарчи у Хитойда бўлса ҳам ўрғанилган" ҳадисидан билиб олишимиз мумкин.

Илк ислом даврида Хитойда диний билимлар эмас, балки инсон ҳаёти фаровонлигига сабаб бўлувчи дунё-

вий фанлар ривожланганини эътиборга оладиган бўлсак, динимизда илм, деганда фақат шаърий илмлар кўзда тутилмаслиги яққол англашилади.

Аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганар эканмиз, уларда ёш авлодга диний илмлар билан бирга, ўзлари учун зарур бўлган замонавий билим ва кўникмаларни ўргатиб бериш ҳам ўта муҳим экани таъкидланади. Токи, улар ўз замонасидан ортда қолмасинлар. Ўз даври ютуқларидан ортда қолган халқ, албатта, қоқоқликка маҳкум. Буни биз мусулмон давлатлари бошига келган мустамалакчилик, қашшоқлик ва жоҳиллик офатларидан ҳам билиб олсак бўлади. Эро, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан "илмнинг эшиги" дея таърифланган Ҳазрат Али (к.в.) бежиз: "Фарзандларингизга ўзингиз яшаб турган замон эмас, улар яшайдиган замонга муносиб илми беринг. Эро, улар сизлардан кейинги даврда яшайдилар", деганлар.

Бироқ бугунга келиб, ҳолатлар ўзгарди. Мусулмонлар илми бир-бирдан айро икки йўл қилиб олди. Натижада мусулмон уммати ичидан дунё тараққиётига мутлақо беғона жоҳил мутаас-

сиблар ҳамда бутун эътиборини фақат моддийга қаратган, дин ва ахлоқ каби тушунчалардан узоқ бўлган, маънавий жиҳатдан тубан тоифалар пайдо бўлди.

Инсониятга табобат сирларини очиб берган Ибн Синони кофир, зиндик, деб тухмат қилган, замонавий астрономияга асос солган Улугбекни сеҳр-жодуда айблаганлар ҳам илмдан бебаҳра, бурнининг пастидан нарисини кўра олмайдиган калтабин, мутаассиб ва жоҳиллар эди.

Бунинг оқибатида эса мусулмон халқлари орасида ўзаро ихтилоф, низо ва можаролар авж олди. Сийратга эмас, суратга берилган юзакилик тарафдорлари кўпайди. Қалб поклиги, ахлоқ, илми биринчи ўринга қўйилганлар тақчиллашиб, инсонни кийимига қараб яхши-ёмонга ажратадиган "алломалар" тўлиб-тошди. Бу аянчли ҳолатдан усталик билан фойдаланган турли кучлар эса аслида ҳар соҳада дунёнинг пешқадами бўлиши лозим бўлган мусулмонларни ўз манфаатига етиш йўлидаги қурол ўлароқ, ҳар қўйга солдилар.

Афсуски, бу каби иллатларнинг бир учи бизнинг дийёримизга ҳам ўз соясини солди. Эро, мустақилликнинг илк йилларида оз бўлса-да,

"Аллоҳ сизлардан имон келтирганлар ва илм берилганларнинг даражаларини кўтарур"

(Мужода сураси, 11-оят)

бизнинг заманимиздан ҳам ўз Ватани, ота-онаси, халқини кофирга чиқариб, ер юзидан қатл ва фасод ёйишидан бошқа ишга "ҳисса" қўшмаётган, шу жирканч ҳолатини "жиҳод", "шаҳидлик" каби олий тушунчалар билан ҳаспўлашга уринаётган жоҳиллар чиққани рост.

Бироқ, заманимизнинг ҳамиша ўз эгалари, илми ҳаётининг мазмунига айланган раҳнамолари бўлган. Давлатимиз раҳбари бошчилигида "Жаҳолатга қарши маърифат" шиори остида ёшларимизни ҳам диний, ҳам дунёвий билимга эга қилиб авлод этиб тарбиялаш жамиятимиз ҳаётининг бош мезонига айланди.

Бугун юртимизда илмга эътибор юқори чўққига чиқди. Бу борада муҳим фармонлар, қарор ва давлат дастур-

лари қабул қилинмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида ҳам юртимизда таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш каби долзарб вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, фармонда илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишга ҳам алоҳида ургу берилган.

Шубҳасиз, юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, илм-фан ва замонавий технологияларни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор эртанги келажагимиз учун пойдевор вазифасини ўтайди. Айниқса, Президентимизнинг илм-фан билан шуғулланиши, янги кашфиёт ва иxtиролар қилиш игна билан қудук

қазишдек машаққатли иш экани ҳамда бу соҳага эътибор бериш доимо долзарб вазифа бўлиб қолиши ҳақидаги фикрлари таҳсинга сазовордир.

Юртимизда илм-фанга берилаётган эътибор яқин келажакда ўз самарасини бериши шубҳасиз. Чунки тарихнинг қайсидир босқичида бирор-бир цивилизация ўз замонасининг энг илғори бўлган бўлса, бунга фақат ва фақат илм-фан борасида илғорлиги эвазига эришган. Аксинча, қайсидир тамаддун ўз нуфузини йўқотиб, оқибатда бошқаларга муте бўлиб, инқирозга юз тутган бўлса, у ҳам ўша жамиятда илдиз отган жаҳолат оқибатида шундай аҳволга тушган. Шундай экан, кимларнингдир нафосига ўйнаб, буюк зафарлар сари отланган халқимиз орасида фитна чиқаришга уринаётган ғаламисларнинг найрангларига учмаган ҳолда ёшларимизни ҳар томонлама етук, маънавиятли, замонавий илмларда пешқадам қилиб вояга етказиш шу юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Умид қиламизки, тарихда бутун дунёга устозлик қилган дийёримиз тез орада яна шундай олий мартабани қўлга келтиради.

Тафтиш ҳайъати синчковлик билан иш олиб боргани, яқуний ҳужжат — даллатномани ва унга илова қилинган жадвални тақдим этди. Ҳайъат чиқарган хулоса кўплар учун қутилмаган ҳодиса бўлди. Гдлянчилар олиб борган 45 та жиноят иши бўйича мусодара қилинган пул ва қимматбаҳо буюмлар ҳақида куйидагилар аниқланди:

- олинган пул — 14 679 733 рубль 85 копейка;
- заргарлик буюмлари ва олтин — 10 886 830 рубль 75 копейка;
- облигациялар — 1 886 830 рубль 50 копейка;
- Жами: 27 982 153 рубль 10 копейка.

Бундан ташқари:

- 1 258 130 рубль 77 копейкалик мол-мулк;
- 447 201 рубль 06 копейкалик омонат мусодара қилинган.
- Жами: 1 705 331 рубль 83 копейка.

Виктор ИЛЮХИН

юридик фанлар доктори,
профессор

Шундай қилиб, ҳаммаси 30 миллион рублни ташкил қилади. Бу катта сумма, Гдлян ва унинг тўдасига раҳмат айтса бўлади. "Аммо, қолган 15 миллион рубль қаерда қолди?" — деган ҳақли савол туғилди. Ахир, ўша суратлар ҳамон эсимда: самолёт пиллапоёси, жилмайиб турган Гдлян, унинг орқасида миллионлар солинган қоплар, "Қоплардаги пул 40 миллиондан анча ошди", деганди Гдлян.

У миллионларни кўз-кўз қиларди, аммо, учдан бири, яъни 15 миллиони ёзилганига ҳеч ишонинг келмасди. Гдлян билан Иванов депутатлик мандати кетидан қувиб, Арманистонга қочиб кетганларнинг боиси шу камомад эмасмикан? Фикри ожизимча, қамоққа олиш, одамларни ноҳақ ушлаб туриш ва сўроқ пайтларидан қонунни бузганлари уларни унчалик ҳам ташвишга солмаётган эди. 23 та иш бўйича қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиш, сақлаш ва топшириш чоғида Ўзбекистоннинг Жиноят — процессуал кодексининг 154-, 159- ва 160-моддаларида баён қилинган талаблар жиддий суратда бузилган, шунингдек, тергов гуруҳи ўз бурчини виждонан бажармагани текшириш давомида аниқланган, тафтиш ҳужжатидида қайд қилиб ўтилган.

Айбланаётган кишилар, уларнинг қариндош-уруғлари ва таниш-билишларидан тинтув вақтида топилган пуллар, заргарлик буюмлари, облигациялар — қимматбаҳо қоғозлар бўйича ҳисоб-китоб қилинмаган, баъзиси ҳатто сургучланмаган, бундай аҳвол, мусодара қилинган буюмларни сақлашда суиистеъмоллик ва масъулиятсизликка йўл қўйилишига олиб келган.

Қимматли буюмлар вақтида кўздан кечирилмаган, баъзан 2-3 ой кечикиб, наридан-бери таф-

Шак-шубҳасиз, давлат хавфсизлик хизмати томонидан Бухоро вилоятида кўзгатирилган жиноят иши бўйича терговчилар ва тезкор ходимлар мусодара қилган маблағни Гдлян "ўз миллионларини"га қўшиб олган (кейинчалик бу ишларни Гдлян ўз гуруҳи текширувигига қўшиб қўйган). У ана шу миллионларни прокуратура залида, бошқа жойларда, шунингдек, телевизор орқали намойиш қилди.

Қимматбаҳо буюмларни мусодара қилганлиги учун терговчиларнинг маошларига қўшимча икки баробар муқофот пули бериларди, унвонлари оширилари

ларини талаб қилади. Улар ўз навбатида, қонун асосида рад жавобини беришади. Шундан сўнг, Гдлян билан Иванов тинтувда буюхоролик терговчилар билан бирга иштирок этиш ҳақида келишиб олишади, тинтув пайтида салкам 800 минг рубль топилади. Бунинг ҳаммасини Гдлян гуруҳи ўзи билан олиб кетади, икки ҳафтадан кўпроқ вақт хуфя жойда ушлаб туради, тинтув муваффақиятли ўтгани ҳақида тегишли ахборот беради, холос. Бу "омад"ни ўз ҳиссасига ёзиб қўйган, пулларни Бухоро вилояти прокуратурасининг депозит ҳисобига ўтказди. Буни мақтанчоқлик қилишдан бошқача

на тери билан топганларини ҳам терговчиларга келтириб беришарди. Ўзбекистонда олиб борилган тергов ишлари давомида Гдлянга оид материаллар бўйича қимматбаҳо буюмларнинг эгалари сифатида юздан ортқ киши қонунга хилоф равишда ушлаб турилган ва қамоққа сақланган. Гдлян гуруҳидагилар уларни "гаровдагилар" деб аташарди. Масалан, Абдувоҳид Каримов иши бўйича 23 киши "гаров" тариқасида ушлаб турилган. Гоҳи ҳеч бир айблари бўлмаган ҳолда тергов қамоқхоналарида тўққиз ойлаб ётганлар бўлган.

Пухталиқни қарангки, уларни

га фақат умр йўлдоши хусусидаги ишнинг юришида. П.Матчоновани қамашга тааллуқли материалларни Иванов ишдан ажратиб олиб, суддан яшириб қолган. Аммо унинг қаллоблиги суд мажлиси пайтида ошкор бўлиб қолди. Шу муносабат билан суд бутун ишни қўшимча терговга қайтарди. Кейинчалик қамалганларнинг хатти-ҳаракатида жиноят изи бўлмагани сабабли иш бутунлай тугатилди.

П.Матчоновна ўзбошимчалик қурбони бўлган бирдан-бир кўп болали она эмас. Худди унга ўхшаб, тўққиз фарзанднинг онаси А.Алимова, ўн бир фарзанднинг онаси Бибизода Толиева, ўн икки фарзанднинг онаси Ойнура Саидовани ҳам ҳибс қилишди. Улар ва бошқа кўплаб аёллар бирор-бир йўл билан топилган қимматбаҳо буюмларни сақлаб берганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи модда йўқ. Жиноятларни яширганликлар учун, шунда ҳам ҳамма жиноятларни эмас, балки энг хавфли ва оғир жиноятларни яширганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Бундай жиноятлар рўйхати кодексларда санаб ўтилган. Яширувчи қандай жиноятни яшираётгани аниқ бўлиши керак, шундан кейингина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Гдлян эса прокурор назоратининг бутунлай бепарволиги орқасидан ўзи "қонуншунослик қилиб" жиноятнинг анги тарқибини ўйлаб топди ва шунга қараб одамларни қамай бошлади.

У очикдан-очик ўзбошимчалик қилди, ўнлаб айбисиз одамларни таҳқирлади. Шунга қарамай, унинг ҳамда Ивановнинг ҳимоячилари ҳам топилиб қолди. Улар рўзнома ва журналларнинг саҳифаларида ва умуман дуч келган ерда қонунни бузмай туриб, мафияни өнгби бўлмаслиги ҳақида сафсата сота бошлашди. Тўғри, қонунлар тақомиллаштиришга муҳтож. Аммо, марҳамат қилиб, шунинг айтилиши: Гдлян билан Иванов айби йўқ, кўп болали ва Ҳомилдор аёлларни, ёши бир жойга бориб қолган кекса кишиларни қамаш билан қайси мафияга қарши кураш олиб боришди экан? Пораҳўрликка қарши курашининг маъноси шу хилда қамоққа олишлардан иборатмиди? Йўқ, албатта!..

Гдляннинг миллионлари: афсонами, ҳақиқат?



Т.Гдлян (чапда)
Н.Иванов билан.

ва жуда бўлмаганда ташаққурнома билан тақдирланардилар. Уларни рағбатлантириш керак албатта, бунга эътироз йўқ. Аммо, шундай ҳоллар ҳам бўлганки, буни кўзбўямачилиқдан бошқача атаб бўлмайди.

Бухоро вилоятида прокуратура, ИИБ, Давлат хавфсизлик хизмати тергов гуруҳлари бир вақтнинг ўзидан баравар иш олиб боришган. Терговчилар катта миқдордаги қимматбаҳо буюмларни қўлга олишни мўлжаллаб, сақланаётган жойда тинтув ўтказишга ҳозирлик қўраётганликларидан Гдлян хабар топади. У ҳеч бир асосиз, ўзи олиб бораётган тергов ишига алоқаси бўлмаган ишни унга бериш-

бахолаш мумкин эмас, албатта. Улар миллионлар ортидан "қувиб", ҳар қанақа воситаларни ишга солишдан ҳам ор қилмайди. Жумладан, қишлоқлардан пул топиб беришни талаб қилиб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ва қамаб қўйишдан тойишмади. Одамларни оилаб ҳибсхонада сақлаб, қариндош-уруғларига дўқ-пўписа қилар, пул йиғиб беришни талаб қилишарди. Шунинг қомил ишонч билан айтаманки, олинган пул ва қимматбаҳо буюмлар орасида ўзларига мутлақо қарашли бўлмаганлари талайгина. Одамлар ўзларидан ва қариндош-уруғлари, яқинларининг тақдиринан хавотирга тушиб, пешо-

қамоққа олиш билан боғлиқ барча материаллар ишдан ажратиб олинган ва "ўрага" ташлаб юборилган. Судьялар уларни кўришмаган. Пошшо Матчоновна — 10 фарзандни тарбиялаган Қаҳрамон она. У қамоқхонада 9 ой сақланган. Шу вақт ичидан унинг умр йўлдоши ҳам ҳибсга олинган. Вояга етмаган беш бола қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Яхшиям қўни-қўшиллар, қариндош-уруғлар бор экан, улар болаларни қулфатда қолдиришмади, ўз бағирларига олиб, юзиб-тарашди, едириб-ичиришди. П.Матчоновани жиноий йўл билан топилган қимматбаҳо буюмларни беркитиб сақлаётганликда айблашди. Аммо суд-

Меҳрнинг миллати йўқ

» Фестиваль

Фарғона шаҳрида Европа киноси фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Делегацияси томонидан "Ўзбекино" миллий агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Камола ПОЛВОНОВА

— Барча мамлакатлар учун оилавий муносабатлар, фарзандлар тарбияси доим долзарб, — деди журналистлар билан учрашувда мазкур Делегациянинг бўлим мудири Франсуа Бехо. — Шунинг учун фестивалга болалар мавзусидаги фильмлар танлаб олинган. Кино санъати томошабин маънавиятининг ўсиши, дунёқараётганининг кенгайишида муҳим ўрин тутгани.

Ислоҳ Каримов номидаги вилоят маданият ва санъат саройида Латвиянинг "Компьютердан хавфлироқ бобо", Швеция-Бельгиянинг "Бубул", Чехиянинг "Эмма учун эртақлар", Финляндиянинг "Тўрт элемент", Словениянинг "Кўйинг, баскетболчи бўлсин!", Швейцариянинг "Телба ошиқ" фильмлари ёш томошабинлар эътиборига бепул ҳавола қилинди. — "Эмма учун эртақлар"

лар" кинофильмини дугонам билан мириқиб томоша қилдик, — дейди Фарғона шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби ўқувчиси Хуснигул Ражаббоева. — Бизга жуда ёқди. Албатта, барча болалар ота-онасининг бағрида, уларнинг меҳри ва эътиборини хис қилиб яшашни истаиди. Шунга амин бўлдикки, бу хоҳиш миллат танламайди. Таъкидлаш лозимки, Европа Иттифоқининг "Ўзбекино" Миллий агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳаси мамлакатимизда 2013 йилда бошланган. Бунгача фестивал Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Нукус, Шаҳрисабз каби шаҳарларда бўлиб ўтган.



"Болларда ҳазонлар шовиллар қуюқ"

Сарвар МАМБЕТОВ фотоси

» Ҳукм ўқилди

Одам боласи нимани ниёт қилса, бир кун шунга етаркан. Яхшими, номми, ҳаётингдан ўтиб, тилингдан учса, фаришталар омин деса, вассалом! Гулсум турмуш ўртоғи, оиладагилар талаби билан рўмол ўраб, узун кўйлак кийди.

Холида ФАЙЗИЕВА

"Hurriyat" мухбири

"СИЗ БОП ИШ БОР"

Билса-билмас, бир нималарни ўқиб юрди. Бунинг устига, алламбало гуруҳларнинг катта пул эвазига ишга ёллаши қўлоғига чалиниб, қизиқиб қолган. Уззу кун хаёлида шу. "Қани менгаям бирор иш топилсаю, қўлим пул кўрса! Ҳадеганда сарғайиб, отасининг гапидан чиқмайдиган эримдан чой-чақа сўраб ўтирмасам", дейди. Оиладаги эркаклар — қайнота, қайин ука, қайин сингилнинг эри — бари сирли иш билан банддек. "Ё менга шундай туюлармикин", дея уларга ҳам шубҳа билан қарайди. Нигоҳлари ўткир, қувгина бу аёлнинг ҳаракатларини ташқаридан кузатиб юрганлар бор экан. Пайтини пойлаб, икки эркак, бир аёл йўқлаб келди, "хужра"ларига тақлиф қилиб:

— Сиз боп иш бор, яхши маош тўлаймиз, — дейишди.

Нотаниш одамларнинг гапидан Гулсум аввалига бироз гангиди, сўнг ниётига яраша тақлиф бўлаётганидан қувонди:

— Қандай иш? Нима қилишим керак ўзи?

— Гулсумида "Аёллар қаноти" бор. Шунга масъулалардан бўласиз.

— Аввал мана бунга ўқиб-ўрганишингиз керак, — деди аёл унга китобча узатиб.

Гулсум бу китоб ҳақида эшитган, лекин, мазмун билан таниш эмасди. Тақлифни қабул қиларкан, бундан буён ҳаёти бутунлай ўзгариб кетишини хаёлига ҳам келтирмади. Уйдагилардан яширинча турли адабиётларни ўқишга тушди. Олаётган сабоқлари таъсирига шунчалик берилиб кетдики, бу гуруҳ "Ҳизб ут-таҳрир" диний-экстремистик оқим аъзолари эканини билди, англаб етди. Аммо чўчимади. Эртақлардаги каби бир юмалаб, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган "масъула"га айланди-қолди. Ҳа, буюм бекорга эмас, бир асарда айтилганидек, жиғилдон хуруж қилганда, бошқа ҳаммаси бир пул!

Хуллас, мазкур оқим фаолиятига оид барча маълумотларни сир сақлаш, берилмаган топшириқларни сўзсиз баҳариш ва итоат қилиш учун "ҳизбия" мақомига эга бўлди. Бунга қарангки, шунгача, ҳатто эриям сезмади. Лекин ҳар нарсага чегараси бор. Уч боланинг тарбияси, ош-овқати ўлда-жўлда, келинлик вазифасига қўл силтаган аёл шубҳа уйғотмай қолармиди. Бунинг устига, остонасигача уни сўраб келувчи аёллар кўпайган бўлса...

Нафси амморанинг жодуси

СИР ОЧИЛДИ

Бир кун Мақсуд ишдан қайтганда уйи ёнида турган хижобли аёлларга кўзи тушди:

— Келинлар, опалар!

— Гулсумхонни кутаётгандик...

— Айтиб юборайми?

— Ҳм... бирор иш билан банд бўлса керак-да, анча кутиб қолдик, яхшиси, мана шунга бериб қўйсангиз.

— Нима бу?

— Ҳа, — деди аёллар. — Сиз турмуш ўртоғимизсиз?

— Ҳа.

— Унда хабарингиз бордир, бу табарруот пуллари!

Мақсуднинг юраги шув этди, қўллари қалтиради. Аёли ундан яширинча нималар қилиб юрганини тушунди. Хаёлига минг бир фикр келди. Аслида, ўзи ҳам ундан баъзи қилмишларини яшириб юрди-ку! Қозонга мос қопқоқ деганларни шудир-да. Нима қилиш керак? Кира солиб қўлидаги тугунча билан хотинининг бошига солсини ёки секин авраб сўрасинми? Иккинчи йўл маъқул кўринди.

У қора целлофан пакетни Гулсумнинг қўлига тутқазди:

— Бу сенга!

Аёл катта пулни кўриб сўради:

— Яхши-ку, қаердан келди? Савдоникими?

— Йўқ, табарруот!

Бу сўзни эшитиб, Гулсум сергак тортиди ва нимдан эрига тикилди.

— Ҳа, нега хайрон бўласан, табарруот йиғиш сенинг зиммангидими?

У эрининг ҳамма гапдан хабари борлигини тушунди: "Сизга ёрдам қилишимиз деб... Хуллас, ишга кирдим", деди.

— Яхши қилибсан! — кесатди Мақсуд. — Ҳўш, вазифанга нималар қиради, фақат ҳаммасини очки айт, барибир билиб оламан.

Гулсум тушунди:

нақа юришни? Болаларингга қараб тинчгина уйда ўтирсанг, ўласанми?

Мақсуд аёлини галвага аралаштирмакчи эмасди. Оқибатини билса-да, нафс кутқиси уни ўз йўлига солиб бўлганди. Болалари учун ҳеч бўлмаса, Гулсумни асраб қолмоқчи бўлди. Афсуски, энди кеч эди...

ҲАММАСЛАК ДАСТЁРЛАР

Пул қўлиниги кири дейишди. Қўлни кир қилиб, одам боласининг қалбини қорайтирган ҳам шу эмасми?! Йўқ, у бир оддий қоғоз, инсоннинг қалбига нима алоқаси бор, дерсиз. Ичимиздаги нафс деб аталмиш наҳангни уйғотиши-чи? Шу бўлмаса, кўзини қора қоплаган хоинларга ватанин сотиш, миллат, ота-она, оила деб аталмиш қадриятларга тупуриб, бузғунчиликни мақсад қилганлар этагидан тутиб кетиш мункир келарди, балки? Уларни пул билан таъминлаётган валломатлар ким ўзи? Бу катта маблағ қаердан оқиб келяпти? Ким бунчалик "сахийлик" қилиб уларни "сийлаяпти"? Ҳўш, ушбу оқимга кириб қолганларнинг қай бири шу саволларни ўзига бериб кўрган? Бунга ҳожат йўқ. Негаки, улар учун моддий манфаат ҳар нарсадан устун. Инсон яралибдики, шу иллат билан қурашади. Манфаатлар тўқнашувидан азият чекади. Аммо то охиратгача одам болаларининг қон томирини йўл қилиб олган шайтоннинг ланини енгишга ҳамма-нинг ҳам кучи етавермайди. Иблисини енгиш учун диний маърифат ҳам зарур. Дин номидан иш қўраётган қора қузғунлар эса дам-бадам йўлимиздан чиқиб, осмонимизни булғашга, бизни чалғитишга уринади. Ватанимизни иккинчи Сурияга айлантириш пайида бўлишди. Ахир, бу сир эмас-ку! Таас-

суфки, юзлаб адашганларнинг аянчли тақдири ҳамон сабоқ бўлмаётир...

Ана шу зорманда пулни деб, Гулсум қанча хотин-қизларни йўлдан уриб, экстремистларга қўшди. Эри-чи... бу пайтга келиб, отаси, укаси, кўеви аллақачон шу оқимнинг аъзолари сифатида қўлга тушган, жазога ҳам тортилиб бўлганди. Ҳўш эса ташқаридан қараганда асосий вақтини савдо-

суриштираётган келинидан хавфсизраб, сўнг унга тайинлади:

— Аммо унинг бу ерда юрганини ҳеч ким билмасин! Биров суриштирса, доволанишга келиб юради, деб қўя қолинг!

Қидирувда бўлишига қарамай, Гулсум гуруҳнинг топшириқларини бажаришдан чўчимади. Баъзан мустақил фикрга эга бўлмаган ёшлар унинг қармоғига илинса, баъзида кап-катта одамларни ҳам бинойидек чув туширарди.

ФИТНА

2017 йилнинг 3 ноябри. Ҳаво совуқ. Ҳасан Ҳақимов пешин намозини ўқиш учун Юнусободдаги "Минор" масжидига келади. Изгирида мачит ёнида турган аёлга кўзи тушиб, бирор ҳожатманд бўлса керак, деб ўйлайди. Аёл ундан: "Шуни имомга бериб қўймайсизми, эҳтиёжларим учун илтимос қилганим, дуо қилсинлар", деб сўрайди. Қора целлофан пакетда аслида нима борлигини билмаган намозхон бу илтимосни бажаради. Гулсум худди шу кун Шайхонтоҳур тумани Гулбозор маҳалласидаги "Ҳўжа Аҳрор Вали" жомеъ масжиди ёнига бориб, яна бир одамни лаққа туширади. Жума намозини ўқиш учун келган Тўлқин Охуннинг қўли билан бузғунчи варақаларни масжидга киритади.

Хизматлари учун берилмаётган даста-даста пуллар унинг кўзини кўриб, ақлини қосир қилди. Қилмишларидан ҳеч ким хабар топмайди, билганда ҳам тоғиб турсам, мени қандай қилиб айблашарди, деган хом хаёлда юраверарди.

ТУЗОК

Бир оёғи қопқонга тушган сичқонни кузатганмисиз? Иккинчи оёғи ва ўткир тишлари билан бир амаллаб ундан қутулишга уринади. Қутулиб олгач, ўзини дуч келган томонга уради. Гулсум ҳам сичқоннинг ҳолига тушди. Уйига орган ҳодимлари келганда, туйнук орқали томга чиқиб қочмоқчи бўлди. Аммо, бу режа иш бермади, уни ўша "тепалик"дан паस्ता тушириб қўйишди. Эр-хотиннинг борар манзили энди аниқ эди...

Судда ҳам Гулсум беорлигини қўймади. Судья Сарвар Каримовнинг "Оила, фарзандли аёл экансиз. Шу ишни қилишга сизни нима мажбур қилди?", деган саволига:

— Шундоғам аниқ эмасми? Пул керак эди! — деди сурбетларча.

...Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида бундан буён 9 июль кунги ўқилган суд ҳукмига қўра, уларга қўшилиб ҳамтоволасини ҳам қилмишига яраша жазосини олди. Афсуски, икки оиланинг гўдакларни тақдири ора йўлда қолиб кетди.

Ҳукмида қилмишлари дарж этилган айбдорларнинг исми-фамилиясини очик ёзишни истамадики. Ўзгартардик. Бундан буён улар ҳам борган манзилларида нафси амморанинг эмас, андишанинг этагидан тутишни ўрганишар, деган умиддамиз...

Кўзлари чақнаб турган... фирибгар

Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди томонидан тумандаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр суд мажлиси ўтказилди.

Гўзал САТТОРОВА

ЎЗА мухбири

Унда эндигина йиғирма икки баҳорни қаршилаган Мирза Аҳмад Атаматовнинг жиноий иши кўриб чиқилди.

...Кўзларидан ўт чақнаб турган, билагаи кучга тўла, навқирон бу йигит осон пул топиш, ўз нафси йўлида ўзгаларни алдаб, меҳнатсиз роҳат кўраман, деб фирибгарликка қўл урди.

Тошкент шаҳар Олмазор туманида истиқомат қилувчи М.Атаматов жорий йилнинг 4 июль санасида фуқаро Шохрух Жўраевага "Қишлоқ қурилиш инвестиция" масъулияти чекланган жамиятидан кредитга намунали уй-жойга шартномани тез кунларда олиб беришни ваъда қилди. Бунинг эвазига олдиндан 600 АҚШ доллари, кейинчалик эса 2 минг 500 АҚШ доллари яна бир бор кўздан кечирилиб, судланувчининг химоя ва охириги сўзлари тингланиб, ҳукм эълон қилинди.

М.Атаматов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор, деб топилди. Унга нисбатан иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Суд мажлисида, айниқса, вояга етмаган ёшларга ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликлар келтириб чиқарилган оқибатлар ҳақида тушунча берилди. Мамлакатимизда коррупция, фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сайёр судда режасини осон йўл билан амалга ошириш мақсадида кимгадир пора бериш, тартиб-қоидадан четлаб ўтиш орқали иш битиришга уринаётган ва мана шундай жиноятнинг бошланишига сабабчи бўлган шахслар ҳам қонунларимиз, жамият олдида жавоб бериши кераклиги таъкидланди.

